



№ 19
2021-йил, 19-май
Chorshanba (32.661)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

Улуглардан улугимсан, Ватаним!

O'zbekiston OVOZI

ДЕПУТАТ ФИКРИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари бугунги куннинг долзарб масалалари тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришмоқда.



Фирдавс Шарипов,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатасидаги
ЎзХДП
фракцияси
аъзоси:

— 2021 йил 28 апрель куні Вазирлар Маҳкамасининг "Моддий ёрдам ва қўмакка муҳтож оилаларни, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Унда "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари" га қандай фуқаролар ва оилалар киритилиши, уларга қандай тартибда ва қанча қўмак берилиши ҳамда хизматлар кўрсатилиши бўйича йўналишлар, дафтардан чиқариш каби тартиблар аниқ қилиб белгиланган. Шунингдек, дафтарларга киритилмаган ҳар бир эҳтиёжманд оила ва фуқаролар қарор иловасида кўрсатилган сўронома асосида ўрганилади.

Яна бир жиҳат, ҳар ойда ҳокимлар ва мутасадди ташкилотлар раҳбарлари халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ҳисобот бериб борадилар ва улар фаолиятига баҳо берилади. Аниқланган муаммоларни ҳал этиш бўйича халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан маҳаллабай "йўл хариталари" тасдиқланади.

Албатта, бу борадаги саъй-ҳаракатлардан мақсад — аҳоли даромадини ошириш, турмуш даражасини юксалтиришдан иборат. Яна бир муҳим томони, бу моддий ёрдам ва қўмакка муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлашда ҳам катта аҳамиятга эга.



Дилбар Мамажонова,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатасидаги
ЎзХДП
фракцияси
аъзоси:

— Маълумки, турли халқларнинг тилларига ҳурмат ўз навбатида ўзаро тушунишга, мулоқотларга имконият яратди. Барча тилларни тан олиш ва ҳурмат қилиш тинчликнинг бирдан бир кафолати бўлиш билан бирга, шиддат билан ривожланаётган даврнинг, иқтисодиётнинг ўсишига ўз таъсирини кўрсатади. Юртимизда амалга оширилаётган очиклик сиёсати, дунё бозорига фаол кириб бориш ҳамда халқаро ҳамкорлик алоқаларимизнинг кун сайин кенгайиши ушбу масалага жиддийроқ эътибор қаратиш зарурлигидан далolat бермоқда. Шу мақсадда бундан буён мактаб, лицей, коллеж ва олийгоҳ битирувчилари камида 2 та чет тилини мукаммал билиши шарт. Бунинг учун, жойларда чет тилларини ўрганишга етарли шароит яратиш ва уни оммалаштириш барча даражадаги раҳбарларнинг асосий вазифаси эканлиги, замоннинг ўзи шу талабни қўётганлиги таъкидланди. Шунингдек, ҳар бир идорада ҳафтаaning бир кунни хорижий тилларни ўрганиш кунни этиб белгиланади.

Ҳар бир миллат ўз тилини сақлаб қолиши керак. Чунки айнан тил уни ўзига хос қилади ва бошқа мамлакатлардан ажратиб туради. Бироқ кўп тилни ўрганишимиз ва билишимиз билан биз янги билимларга эга бўламиз. Гёте шундай деган: "Инсон неча тил билса, у шунча марта одамдир".

НОГИРОНЛИГИ БОР ШАХСЛАР

ЖАМИЯТНИНГ
ТУЛАҚОНЛИ
АЪЗОСИ
БЎЛИШИ
КЕРАК

НОГИРОНЛАР ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА КОНВЕНЦИЯНИ РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ЎЗБЕКИСТОНГА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР ҲУҚУҚЛАРИ БУЗИЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЮВЧИ ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ, ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ВА ХУСУСИЙ КОРХОНАЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИгини КЎРИБ ЧИҚИШ, НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҲАЁТГА ЖАЛБ ЭТИШ, УЛАРНИНГ БОШҚА ШАХСЛАР БИЛАН БИРГАЛИҚДА СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШЛАРИ УЧУН ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ ҚЎЛЛАШ, КОНВЕНЦИЯ БАЖАРИЛИШINI МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОННИНГ МИЛЛИЙ МЕХАНИЗМИНИ АНИҚЛАШ, ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА НОГИРОНЛАР ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ИЛҒОР ТАЖРИБА АЛМАШИШ ИМКОНИЯТЛАРНИ БЕРАДИ



3

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

ЭНДИ МИЖОЗ БАНККА БОРМАЙДИ

уйида ёки хоҳлаган жойда туриб муддатли ёки жамғармали омонат турларига маблағ қўйиши ва фоизларини олиши мумкин

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан "Замонавий банк хизматлари: асосий мезон — қўлайлик" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Унда банк раҳбарияти ва тегишли таркибий тузилмалар масъул ходимлари иштирок этди.

Тадбирда Президентимизнинг 2018 йил 23 мартдаги "Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори талаблари асосида банк тизимини ривожлантириш, миқозларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада яхшилаш, қўлайлик ва оммабоплигини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

— Банк тизимида жорий этилган "Quant" мобил иловаси омонатларни масофадан бошқариш имкониятини берди, — дейди АТБ "Қишлоқ қурилиш банк"нинг Чакана хизматлар бўйича бош директори Азамат Атажанов. — Эндиликда исталган одам уйдан ёки хоҳлаган жойдан туриб банк тизимининг муддатли ёки жамғармали омонат турларига маблағ қўйиши ва фоизларини олиши мумкин. Илова ёрдамида муддатли ёки жамғарма омонат турига маблағ қўйган жисмоний шахс банкнинг истаган картасига бепул эга бўлади. Аксарият омонатлар муддатидан олдин қайтариб олинганда, шартномада белгиланган фоиз тўлови 80 фоиз миқдоридан қайта ҳисоб-китоб қилинади ва тўлов амалга оширилади. "Қалдирғоч" муддатли омонатида эса, миқоз талабига қўра, дастлабки 3 ойлик ҳисобланадиган фоиз тўловларини олдиндан амалга ошириш имконияти мавжуд.

Матбуот анжуманида АТБ "Қишлоқ қурилиш банк"да чакана хизматлар турларини кенгайтириш, ахборот коммуникация тизимлари орқали кўрсатиладиган замонавий банк хизматларини жорий этиш юзасидан қўрилаётган чоралар ва уларнинг амалий натижалари ҳусусида ҳам маълумотлар берилди. Тадбир доирасида яқинда старт олган "In-Tend" лойиҳаси тақдироти ўтказилди.



Мазкур лойиҳа жисмоний шахсларга савдо шохобчалари орқали товарларни сотиб олиш жараёнида уларга қисқа муддатта (12 ой) онлайн режимда, махсус автоматлашган дастурий таъминот орқали фоизсиз қарз маблағини ажратишни қўзда тутди. Унда миқознинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш инсон омилсиз, онлайн скоринг моделидан фойдаланган ҳолда автоматлашган дастурий тизим ёрдамида амалга оширилади. Дастурга мувофиқ, жисмоний шахсга базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баробарига, яъни 24 миллион 500 минг сўм миқдорда фоизсиз қарз тақдим этилади. Қарз мажбурияти миқоз томонидан 12 ойда бўлиб-бўлиб тўлаш асосида амалга оширилади. Қарз мажбуриятини олиш миқоз томонидан товар олаётган ташкилотнинг ўзида қолади. Бугунги кунда "In-Tend" лойиҳаси бўйича республикада буйлаб 250 дан ортиқ товарларни етказиб беришчи корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Тадбир якунида банк мутасаддилари журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Тоштемир Худойқулов,
"Ўзбекистон овози" мухбири.



ДАВЛАТ
ХИЗМАТЧИЛАРИ
ИШНИ КЎЧА
УСУЛИДА ҲАЛ
ҚИЛАДИГАН
БЎЛДИМИ?!

2

Мавжуда
Ҳасанова,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатасидаги
ЎзХДП
фракцияси
аъзоси:



— Президентимизнинг "Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида"ги фармонини тарихий ҳужжат, деб айтиш мумкин. Ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши ўрта тиббиёт ходимлари учун бир қатор имкониятлар яратди.


Фармон Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш, аҳоли саломатлигини сақлаш борасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида, шунингдек жамоатчилик томонидан тиббий хизматлар қўламини ва сифатини оширишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Унда 2021 йил 1 июлдан бошлаб 10 мингта, 2022 йил 1 январдан бошлаб эса яна қўшимча 10 мингта ўрта тиббиёт ходимлари шаттлари ажратилиши қўзда тутилган.

Бу — аввало оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларда "тиббиёт бригадалари" фаолиятини йўлга қўйиш, шунингдек, туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалари томонидан аҳолига тиббий хизматлар кўрсатиш қамровини кенгайтиришга хизмат қилади. Айниқса, тиббиёт коллежаларини битириб, уйда ишсиз ўтирган йигит ва қизларимизнинг яратилган ушбу имконият, тўғайли ишла билиши кишини қувонтиради. Чунки, кўп тиббиёт муассасаларида ҳозирги кунда 0,5 штат, яъни бир киши учун мўлжалланган жойда икки, уч киши бўлиб ишлаш ҳолатлар ҳам йўқ эмас.

МУРОЖААТНОМА

Аччиқ ва танқидий материаллар жойлардаги кўплаб амалдорларга ёқмаслиги, уларнинг тинчини ва ҳаловатини бузаётгани ҳам бор гап. Лекин ошкоралик ва сўз эркинлиги бу – давр талаби, бу – Ўзбекистондаги ислохотларнинг талаби.

ЭСКИ АВТОМОБИЛЛАРГА ГАЗ БАЛЛОН ЎРНАТИШГА ТАҚИҚНИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИШ ЗАРУР



ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДА ҲАМ АҲОЛИ ВАКИЛЛАРИ ТОМОНИДАН АЙНИ ШУ МАСАЛАДА КЎПЛАБ МУРОЖААТЛАР, ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАНИГА 20 ЙИЛ ВА УНДАН ОРТИҚ МУДДАТ БЎЛГАН ҲАМДА ГАЗ БАЛЛОНЛАРИ ЎРНАТИЛГАН АВТОМОБИЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКНИ ЧЕКЛАНГАНИ БОРАСИДА ЭЪТИРОЗЛАР КЎПАЙМОҚДА.

Давлат статистика қўмитаси маълумотига кўра, бугунги кунда республикада жисмоний шахсларга тегишли автотранспорт воситалари сони 2 955 295 тани, хусусан, 2 767 126 та энгил автомобиллар, 168 810 та юк автомобиллари, 5 711 та автобуслар, 8 518 та микроавтобуслар, 5 130 та махсус транспортлар ташкил этмоқда. Ўзбекистон бўйича жисмоний шахсларга тегишли бўлган "Nexia" (637 547 дона), "Damas" (429 404 дона), "Matiz" (288 685 дона) энг оммалашган энгил автомобиллар ҳисобланади.

Тахлилларга эътибор қаратадиган бўлсак, бугун аҳолининг катта қисми автомобиль олди-соти ишларида иккиламчи бозорга мурожаат қилмоқда. Бу жараёнда иккиламчи бозорда ҳар йили 400-500 мингта олди-сотида амалга ошири-

лади. Шу боисдан, бир йилда бозор ҳажми 2,6 миллиард долларни ташкил этади. Бу мамлакат яппи ички маҳсулотининг тахминан 5 фоизи деганидир.

Шундан келиб чиқадики, бугун аҳоли томонидан фойдаланиб келинаётган автотранспортларнинг катта қисми ишлаб чиқарилганга 10 йилдан ошган автомобилларга тўғри келади. Ишлаб чиқарилганга 20 йилдан ошган автомобиллар республиканинг барча ҳудудларида фойдаланиб келинади. Табиийки, бензин нархи қимматлиги сабабли, аҳоли томонидан ушбу автомобилларнинг деярли катта қисмида таркибий деталлари ўзгартирилиб, газ баллон ва жиҳозлари ўрнатилган.

Ким янги машина олиб қайдаши хоҳламайди, дейсиз. Бироқ аҳолининг барча қатлами ҳам бу имкониятдан фойдалана олмайди. Шу боисдан, арзон, ишлаб чиқариш йили анча эски бўлган машина сотиб олиб, шу автомашинадан фойда-

ланган ҳолда рўзгор тебратиб келаётган оилалар оз эмас. Газ баллон қўямасдан бензинда юриш ўзини оқламайди, бензин нархи эса ошиб бораёпти.

Статистик маълумотларга кўра, мавжуд энгил автотранспорт воситалари учун бугун аҳоли томонидан 62 фоиз сиқилган газ (СТГ, метан), 26 фоиздан ортиқ бензин, 11 фоиздан ортиқ ёқилғининг бошқа турлари фойдаланиб келинмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 ноябрдаги тегишли қарорига мувофиқ белгиланган тартибга кўра, 2021 йилнинг 1 январидан ишлаб чиқарилганга 20 йил ва ундан ортиқ муддат ўтган автототранспорт воситаларини қайта жиҳозлашга йўл қўйилмаслиги белгиланган. Бунда автомобилларга газ баллон ва жиҳозларини ўрнатиш автототранспорт воситаси қайта жиҳозланган, деб тан олинмаган ўзгаришлар рўйхатига кири-

Бу эса янги автомобиль сотиб олишга имко-

нияти бўлмаган, нисбатан анча арзон бўлган эски машинадан фойдаланиб, рўзгор тебратиб келаётган аҳоли қатламига бир қатор қийинчиликларни юзага келтирмоқда. Ижтимоий тармоқларда ҳам аҳоли вакиллари томонидан айна шу масалада кўплаб мурожаатлар, ишлаб чиқарилганга 20 йил ва ундан ортиқ муддат бўлган ҳамда газ баллонлари ўрнатилган автомобиллардан фойдаланиш имкони чеклангани борасида эътирозлар кўпаймоқда.

Шу сабабдан Ўзбекистон Халқ демократик партияси аҳолининг эҳтиёжманд қатлами учун юзага келаётган бу каби ноқулайликларни ўрганиб, таҳлил қилиш, айнқиса, автотранспорт воситаларига газ баллон ва жиҳозларини ўрнатишни ушбу рўйхатдан чиқариш масаласини қайта кўриб чиқиш керак, деб ҳисоблайди.

Аброр ҚУРБОНОВ,
ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим бошлиғи.

МУНОСАБАТ

АФВ ЭТИШ — ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЧИНАКАМ ИФОДАСИ



Ойбарчин АБДУЛЛАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги ЎзХДП
фракцияси аъзоси:

— Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар адолатли ва инсонпарвар жамият асосларини янада мустаҳкамлашга қаратилгани билан эътиборга молик, албатта. Халқимизга хос бўлган юксак бағрикенглик, кечиримлилик, ғамхўрлик кўрсатиш одамларимиз ҳаётини асл инсоний фазилатлар билан беэмоқда. Бу билиб-билмай жиноятга қўл урган, адашган, лекин бугунги кунда қилмишидан қаттиқ пушаймон бўлиб, тўғри хулоса чиқарган кишилар ҳам ушбу эътибордан четда қолмаёпти. Энг муҳими, бу давлатимизда ҳар қандай ҳолатда инсон манфаати ҳамма нарсадан устун эканлигининг ёрқин кўринишидир.

Кўни кеча муборак Рамазон ҳайитини нишонлаш арафасида халқимизга хос меҳр-оқибат, зағулик, хайр-саховат каби оиланб-фазилатларнинг ёрқин ифодаси сифатида давлатимиз раҳбари томонидан «Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги фармон имзоланди. Бу қанчадан-қанча оилаларга қувонч, олам-олам шодлик улашди. Кўнгли кемтик ота-оналар, фарзандлар, яқинларнинг ҳаётда адашган, бунинг ортидан озодликдан маҳрум этилган жигарбанди бағрига қайтди. Қанча хонадонлар рўшнолик топадиган бўлди, қалб соғинча, меҳрга тўла қанча одамларимизнинг кўнгли таскин топти, оилаларга ҳаловат улашди.

Хужжатга кўра, Конституция-

мизнинг 93-моддасига асосан жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 100 нафар фуқаро афв этилди. Уларнинг 3 нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, 43 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, 10 нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси энгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, 44 нафар шахсларга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди. Афв этилганларнинг 12 нафарини чет эл фуқаролари, 4 нафарини 60 ёшдан ошган эркеклар, 6 нафарини аёл ҳамда 52 нафарини тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Албатта, жазодан озод этилган шахсларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш, жамиятга қўнқима ҳосил қилиши муҳим. Шуни инобатга олиб, фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шугулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилгани яна бир инсонпарварлик хусусиятидир.

Бу жиноятга қўл урган, боши деворга теккан фуқароларнинг жамият ғамхўрлигини янада чуқуროқ ҳис қилиши, ўзини тиклаб олиши учун катта имкон. Яна бир жиҳати, нотўғри йўлга кирган инсонга имкон бериш, унинг барча қилмишидан қўз юмиб, яна бир бора қўллаб-қувватлаш ҳатосини тушуниб олиши, атрофга очиқ юз билан, яхшилик кўзи билан қарай бошлаши учун ҳам муҳим, деб ўйлайман.

Эътибор берганмисиз, ҳар йили бевосита Президент фармони билан йўлидан адашган, турли нотўғри йўлларга кириб қолган қанчадан-қанча фуқароларимизнинг авф этилиши, жазодан озод этилиши, қадрдон оиласи бағрига қайтиши нафақат бир шахснинг, балки бутун бир оила ҳаётини яхши томонга ўзгартириш, айнқиса, ўсиб келаётган норасида фарзандларнинг келгуси тақдирини ҳамда уларнинг келажагини салбий таъсир ва жиддий синовлардан ҳимоя қилишда хал қилувчи аҳамият касб этади. Оддий тилда айтганда, бу бутун бир оилани янгидан ҳаётга қайтариш деганидир.

САЙЛОВЧИ ҲУЗУРИДА:

ҲАРАКАТ ВА АМАЛИЙ НАТИЖА

Халқимизнинг хоҳиш-иродаси, замон шиддати бугун депутатлар олдида янги ва янада мураккаб вазифаларни қўймоқда. Ҳозирги шароитда депутат фақат кабинетда ўтириб яхши натижаларга эришолмайди, халқимизнинг ишончини қозона олмайди. Халқ вакили қанчалик одамларга яқин, улар билан ҳамфикр, ҳамнафас бўлса, сайловчилар шунча рози бўлади.

Яна бир аҳамиятли томони, бу парламентда муҳокама этиладиган қонунларнинг ҳаётлигини таъминлашда катта аҳамият касб этади. Депутатларнинг жойларга чиқиб, аҳоли билан мулоқот ўтказиши қонунларнинг ижро ҳокимияти томонидан қай даражада амалга оширилаётганини ўрганиш, тегишли тартибда баҳо бериш, шу билан бир қаторда, яна қандай қонунчилик ташаббуслари зарурлигини ўрганишга имкон яратади.

Шу мақсадда Халқ демократик партиясининг барча даражадаги депутатлари сайловчилар билан мунтазам мулоқот олиб бормоқда. Мавзуга ҳамоҳанг тарзда бу гал ҳам депутатларнинг сайловчилар билан мулоқотлари, мурожаатлар, муаммолар таҳлилига, уларнинг ечимига қаратилган амалий ҳаракатлар самарасига эътибор қаратамиз.

Яқинда парламентдаги партиямиз фракцияси аъзолари Қизилгўл Қосимова, Дилбар Мамажонова ва Мавжуда Ҳасановалардан иборат ишчи гуруҳи Навоий вилояти Нурота туманининг олис Қизилча қишлоғида бўлишди. Маълум бўлишича, шу қишлоқда яшовчи Даврон ота Қонунчилик палатасига ҳудуддаги аҳолини қийнаётган тиббий ёрдам сифати, "Тез тиббий ёрдам" машинасига бўлган эҳтиёжни ҳал этишда ёрдам сўраб мурожаат қилган. Депутатлар ушбу мурожаатни ўрганиш давомида тумандаги бир неча чекка қишлоқларга боришди, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий ёрдам кўрсатиш сифати билан яқиндан танишишди.

Мавжуда ҲАСАНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси: — Дастлаб "Темирқовуқ" МФЙда жойлашган 13-оилавий поликлиника фаолияти ўрганилди. Қишлоқ вилоят маркази Навоий шаҳридан 200 км. узоқликда жойлашган. Қишлоқ поликлиникаси 5400 нафар аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Нурота туманида аҳоли

тарқоқ яшайди. Қизилча, Сентоб қишлоқлари ҳам туман марказидан анча олисда жойлашган. Сентобда 8000 минг нафар аҳоли яшайди, зарурат бўлса, одамлар 50 км. узоқликда жойлашган поликлиникага бориб келишади. 5400 аҳоли яшайдиган Темирқовуқ эса ўз поликлиникасига эга. Атрофдаги қишлоқлардан бирида 500 нафар, бошқасида 200 нафар аҳоли яшайди. Бундан кўриниб турибдики, тиббий хизмат соҳасида маълум муаммолар пайдо бўлади.

Туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 13-поликлиникада 7 нафар ҳамшира ишлайди. Бирлашма раҳбари Шавкат Халилов кадр масаласи ўткир муаммо эканини таъкидлаб, 246 та штат бирлиги бўлгани ҳолда 110 нафар врач аҳолига хизмат кўрсатаётганини маълум қилди. Бирлашма бошлиғи биз билан учрашиб турганидан фойдаланиб, тиббиёт соҳасида аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш юзасидан ўзининг тақлифларини билдирди. Унга кўра, мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун мактаб битирувчиларининг орасидан тиббиётга қизиқадиганларга қўшимча квота ажратиш, тиббиёт ходимларининг фарзандларига тиббиёт йўналишида ўқишга киришга имтиёз бериш, 10 йилдан ошқ ишлаган фельдшерларга имтиёз асосида олий маълумот бериш керак. Шавкат аканинг айтишича, 10 йил тиббиёт соҳасида ишлаган одам тайёр мутахассис бўлиб етишади.

"Аёллар дафтари"га киритилган Наргиза Султонова Қарши шаҳридаги "Мағзон" маҳалласида яшайди. Оила ижтимоий ҳимояга муҳтож, уларга саховатпеша инсонлар ёрдам кўрсатиб келмоқда. Оиланинг яшаш шароити оғир, уй-жойи эса таъмирга муҳтож. Аёлнинг меҳр-оқибатига тан бериш керак, рўзғори учма-уч бўлиб турганига қарамасдан, синглисининг икки нафар қизини қарамогога олиб, уларни оқ ювиб, оқ тараб, тарбияси билан шугулланыпти. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Саломат Камилова "Мағзон" маҳалласига келиб, Наргиза Султонованинг ҳолидан хабар олди. Депутат оиллага қувончи хабар етказди: Уларнинг уй-жойларини таъмирлашда ёрдам кўрсатиладиган бўлибди.

Фарғоналик Гўлчехра Жўраевани сайловчилар яхши танийди. Опа вилоят Кенгаши депутати сифатида кўплаб хайрли ташаббуслар билан чиқмоқда. Деярли ҳар кун сайлов округига боради, аҳоли эҳтиёжларини, муаммоларини ўрганади.

Яқинда сайловчилар билан мулоқот жараёнида "Тошкентлик гузар" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи хотин-қизлар ишга жойлашшга масаласида мурожаат қилишди. Депутат ташаббуси билан "Аёллар дафтари"га киритилган 3 нафар хотин-қиз маҳалладаги "Дилафрўз" тўқувчилик корхонасига доимий ишга жойлаштирилди. Шунингдек, "Зигир" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Дилоромхон Асқарова депутатнинг кўмаги билан ажратилган имтиёзли кредит ҳисобига томорқасида иссиқхона барпо этди.

Албатта, реал ҳаётдан ва халқ эҳтиёжларидан узилиб қолмаган депутат кам бўлмайди. Ҳозирги шиддаткор замонда ҳам иш столида, кабинетда ўтириб, кунни беҳуда сарфлаган, ҳаётдан узилиб қолган халқ вакилини ҳеч қандай асос билан оқлаб бўлмайди. Одамлар орасида юрган, халқ билан мулоқот масъулиятини ҳис қилган депутат обрў-эътибор топиб, юзи ёруғ бўлади. Ҳамма гап сайловчи ҳузурига тез-тез боришда, улар билан елкама-елка туришда аслида.

Лазиза ШЕРОВА,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ИШНИ КЎЧА УСУЛИДА ҚАЛ ҚИЛАДИГАН БЎЛДИМИ?!

Ижтимоий тармоқларда Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Раҳмонов Тошкент вилоятининг Оққўрган туманидаги «Уста Нормат» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Алишер Икромовни турли ноқўш сўзлар билан ҳақоратлаб, унга нисбатан жисмоний куч ишлатгани ҳақида маълумотлар тарқалди.

Аниқланишича, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги бу маълумотни тасдиқлади.

Маълумотларга кўра, жаноб Раҳмонов маҳалла раисини унинг хизмат вазифасига алоқадор бўлмаган бошқа масала бажарилганга бўйича кўча усулида «жазоланган». Жорий йилнинг 9 май кунги маҳалла раиси Алишер Икромов «Уста Нормат» маҳалласи, Деҳқонobod кўчасида жойлашган ота уйига чақиртирилиб, хизмат вазифасига алоқадор бўлмаган, умуман бошқа бир масаланинг бажарилмаганлиги бўйича "хўрматли" ҳоким ўринбосари томонидан турли ноқўш сўзлар билан ҳақоратланади, ҳатто унга нисбатан жисмоний куч ишлатилади.

Шу ўринда Тоҳир Малиқнинг машҳур



"Шайтанат" асари кўз олдимизда гавдаланди. Асарда барча масалалар қозихонада кўриб чиқилиб, шу ерда ҳал қилинган.

Сўнгги пайтларда давлат хизматчиларининг коррупция билан боглиқ ишлари охири кўринмайдиган масалалар қаторидан ўрин олиб ўлгурди. Энди эса уларнинг кўча усулидаги ҳаракатлари ҳам авж олмоқда.

Бу ўз-ўзидан мамлакатимиз қонунчилиги, давлатимиз раҳбарининг қарор ва фармонлари ҳамда ҳукумат қарорлари ижросини таъминлашда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида қандайдир бўшлиқ пайдо бўлиб бораётганини кўрсатади. Акс ҳолда, мансабдорларимиз одоб-ахлоқ қоидалари нормаларидан чиқмаган, миллий қонунчилигимизга кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига давлат органлари, мансабдор шахсларнинг аралашувига йўл қўйилмаслиги принципларини бузмаган бўлар эди.

Қайсики, тизимда меъёрий ҳужжатлар моҳияти ўрганилмай, унга амал қилинмаса, шу тизимда қонун устуворлиги таъминланмайди, ижро интизоми суст бўлади, халқ манфаатлари иккиламчи тушунчага айланади.

Шу нуқтаи назардан, бу каби ҳолатлар инсон шаъни ва кадр-қиммати юксалиб бораётган юртга муносиб эмас. Биз буни кескин қоралаймиз ҳамда ҳоким ўринбосарининг бу бебошлигини 2013 йил 22 апрелда янги тахрирда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги қарори, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги фармони талабларига мутолақ зид ва унга қарши чиқиш, деб ҳисоблаймиз.

Шу ўринда айтмоқчиманки, ушбу меъёрий ҳужжатларда белгиланган тартиблар ҳаволаки ёки амалда қўлланилмайдиган нормалар эмас. Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Бугун кечирим сўраб, қутулиб қоладиган давр эмас. Ўзбекистонда халқ манфаатлари ҳамма нарсадан устун экан, барча қонун олдида тенг жавобгар эканини билиши ва ҳис қилиши шарт. Мавжуд вазият шунини талаб этади.

Шу боисдан, мазкур вазиятга ҳукумат ва тегишли мутасадди ташкилотлар томонидан ҳуқуқий баҳо берилиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Давлат хизматчиларини ўз касбий фаолиятида одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилишга, қонунларни ҳурмат қилишга чақириб қоламиз.

Аброр АКБАРАЛИ

МУРОЖААТНОМА

ХДП Сайловолди дастури амалда

НОГИРОНЛИГИ БОР

Халқ демократик партияси ногиронлиги бор шахсларнинг ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш масаласига доимий эътибор қаратиб келади. Партия Сайловолди дастурида ана шу мақсадларнинг давоми сифатида БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари бўйича Конвенциясини ратификация қилиш ташаббусини парламентдаги фракцияси орқали ўрнатилган тартибда илгари суришни муҳим вазифа сифатида белгиланган эди. Эътиборли жиҳати, партиянинг электротар манфаатларига бевосита дахлдор бўлган, дастурида ифода этилган ушбу мақсади амалга ошадиган бўлди.

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияни (Нью-Йорк, 2006 йил 13 декабрь) ратификация қилиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси қабул қилинди ва Олий Мажлис Сенатига жўнатилди.

Маълумки, Ўзбекистон Ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Конвенциясига 2009 йил 27 февралда имзо чекди. Аммо уни муваффақиятли амалга ошириш учун зарур бўлган ратификация қилиш масаласи бир неча йиллардан бери ҳал этилмапти. Ҳозирги кунда мамлакатимизда ҳам ушбу конвенцияни ратификация қилиш масаласи кун тартибда бўлиб, бу борада масъул идоралар томонидан бир қатор амалий ишлар олиб борилаётган. Бу, шубҳасиз, Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлаш учун муҳим қадам бўлади. Энг муҳими, ногиронлиги бор инсонлар "муаммо" эмас, балки "жамиятнинг тўлақонли қисми" бўлиши учун бу жуда зарур.

Бундан 15 йил аввал, яъни 2006 йилда БМТ Бош Ассамблеяси БМТ Ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Конвенциясини ва ногиронлиги бор шахсларнинг ҳуқуқларини, шаъни ҳимоя қилишга қаратилган Факультатив Протоколини қабул қилди ва у 2008 йилда кучга кирди. Конвенция йигирма биринчи асрда қабул қилинган инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги биринчи шартнома, халқаро қонун тарихида инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги энг тез келишилган ва интернет орқали олиб бориладиган кенг миқёсдаги консультациялардан келиб чиққан биринчи шартномадир.

Конвенциянинг асосий мақсади — имконияти чекланган шахсларнинг тенг ҳуқуқлигини ҳимоя қилиш ва таъминлаш. Келинг, оддий ва содда тилда мулоҳаза юритамиз. Кўчага чиқишда пандусларнинг ёки жамоат транспортидан тушишда махсус ускуналарнинг йўқлиги сабабли ногиронлиги бор шахслар қанча муаммолар, ноқулайликларга дуч келади. Демак, улар учун зарур инфратузилма яратилиши керак. Ногиронлиги бор шахслар ҳам ҳамма қатори жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси. Шундай экан, тиббий хизматдан тўлақонли фойдаланишда, таълим олишда ҳам бошқа фуқаролар қатори тенг ҳуқуққа эга. Ҳуқуқмат улар тиббий хизматдан фойдаланиши, имплезия таълим олишини таъминлаши керак. Бу ногиронлиги бор шахсларга инсон ҳуқуқлари бўйича олиб қараганда, бошқалар билан бир хил муносабатда бўлиш, умуман, уларни касалманд одамлар қаторида қабул қилиб бўлмайди, деганидир.

Бу ҳуқуқларнинг амалга оширилиши бугунги кунда дунёдаги бир миллиарддан ортиқ турли даражада ногиронлиги бор шахсларнинг, яъни ер юзидagi умумий аҳолининг 15 фоизининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун муҳим эди. Бу алоҳида эҳтиёжга эга бўлган ушбу шахсларнинг манфаат-



КОНВЕНЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҲОЯСИ – НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР БАРЧА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРДАН КАМСИТИШЛАРСИЗ ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТИГА ЭГА БЎЛИШИ КЕРАК.

ларини, эркинлигини амалда таъминлаш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун керак эди.

Тўғри, бундан аввал амалда бўлган инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияларда ҳам уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласида қатор имкониятлар тақлиф этилган. Аммо, узоқ йиллик кузатув ва таҳлиллар бу салоҳиятдан фойдаланилмаганини кўрсатди, йиллар давомида алоҳида эҳтиёжманд фуқароларнинг инсон ҳуқуқларига оид ҳаққи, манфаатлари инкор этилди.

Ана шу шароитда ушбу Конвенция ногиронлиги бор шахсларнинг давлатлар томонидан камситилишини таъқиқлаш ва ҳамма учун тенг ҳуқуқлиликка эришиш борасида муҳим ҳужжат сифатида майдонга чиқди. Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияни ратификация қилиш бизга нима учун муҳим?

Фирдавс ШАРИПОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
ЎзХДП фракцияси аъзоси:

Ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қадр-қимматини рағбатлантириш, шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини ва бу ҳуқуқлардан бошқалар билан тенг равишда фойдаланиш имкониятларини кафолатлашда ушбу Конвенция сув ва ҳаводек зарур, деб ўйлайман. Чунки, унда ногиронлиги бор шахсларнинг яшаш, фуқаролик, ҳуқуқий ҳимояланиш, таълим олиши, саломатлигини асраш, бошқалар қатори тенг равишда меҳнат қилиши, орзу-хавасларини рўёбга чиқариши, етарлича турмуш шароитига эга бўлиши ва уларни амалга ошириш кафолатлари белгиланган. Бунда, айниқса, ногирон аёллар, болалар ва кексалар ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Яна бир аҳамиятли томони, ушбу Конвенцияни ратификация қилган ёки унга қўшилган давлатларнинг ногиронлиги бор шахсларнинг мустақил турмуш кечиришлари ва турмушининг барча жаб-ҳаларида иштирок этиш имкониятига эга бўлишлари учун жамиятнинг бошқа аъзолари билан тенг равишда ижтимоий муҳитдан, транспорт, ахборот ва алоқа, шу жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари тизимидан, шаҳарларда ва қишлоқ жойларида аҳоли учун тақдим этиладиган

бошқа объектлар ва хизматлардан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш борасидаги мажбуриятлари кўрсатилган.

Демак, Конвенция янги инсон ҳуқуқларини ўрнатмасда, давлатларга ногиронлиги бор одамларга нисбатан, ўта аниқлик билан, уларни ҳурмат қилиш, ҳимоя қилиш ва қўллаш мажбуриятларини кўрсатиб беради.

Дилбар МАМАЖОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
ЎзХДП фракцияси аъзоси:

Конвенция дунёдаги ногиронлиги бўлган шахслар ҳолатини таҳлил қилиш асосида қабул қилинган. Ушбу ҳужжат инсонларнинг турли-туманлиги ва қадр-қиммати принципларини ўзига муассамлаштирган. Шунингдек, конвенциянинг асосий ғояси — ногиронлиги бўлган шахслар барча инсон ҳуқуқлари ва эркинликлардан камситишларсиз фойдаланиш имкониятига эга бўлиши керак.

Қайд этиш керак, конвенцияни ратификация қилиш орқали, ногиронлиги бўлган шахслар бу ҳуқуқлардан хабардор қилинади (ушбу қатламга мансуб шахслар ўз ҳуқуқларидан хабардор эмас), жамиятга ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш мажбурияти юкланади, уларнинг ижтимоий ҳаётда тўлиқ иштирок этишига қаршилиқ қиладиган тўсиқларнинг олиб ташланиши таъминланади. Бундан ташқари, конвенция уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш бўйича давлатларнинг мажбуриятини белгилайди ҳамда шу бўйича миллий ва халқаро мониторингга амалга оширишда муҳим роль ўйнайди.

Шу билан бирга, ногиронлар ҳуқуқлари бўйича конвенцияни ратификация қилиш Ўзбекистонга ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари бузилишига йўл қўйиш давлат органлари, ҳўжалик субъектлари ва ҳусусий корхоналарнинг ҳуқуқий жавобгарлигини кўриб чиқиш, ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳаётга жалб этиш, уларнинг бошқа шахслар билан биргаликда сиёсий ҳуқуқларини амалга оширишлари учун қўшимча чора-тадбирларни қўллаш, конвенция бажарилишини мониторинг қилиш бўйича Ўзбекистоннинг миллий механизмини аниқлаш, халқаро ҳамкорлигини ривожлантириш ва ногиронлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича илгор

Глобал инқироз шароитида иқтисодий ва сиёсий барқарорликни таъминлаш, жойлардаги мавжуд муаммоларни манзилли ҳал этиш, кўмакка муҳтож юртдошларимизни қўллаб-қувватлаш, ёшларимизнинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш — Президентдан бошлаб барча даражадаги раҳбарларнинг бош вазифаси бўлмоғи даркор.

АЁЛГА МУНОСАБАТ ЖАМИЯТ НУФУЗИ



Шарбат АБДУЛЛАЕВА,
ЎзХДП Марказий Кенгаши
Фахрийлар кенгаши
раиси:

— Мамлакатимиздаги янгиланиш жараёнлари одамларимизнинг онги, фикрлаши, дунёқарашини янгиллашга, тараққиёт, ижобий ўзгаришлар, янгилликлар яратишга ундаши лозим.

Бошқа давлатлардагидек биз ҳам мамлакатимиз, халқимиз обрўсини юксалтириш учун, ҳеч бўлмаганда, халқимизнинг обрўсини пастга урмасликка ҳаракат қилишимиз лозим. Аммо, баъзи ҳолларда аёлларга бўлаётган баъзи салбий муносабатлар — уларни ҳўрлаш, ор-номусини поймол қилиш, зўрлаш, ҳаётига чанг солиш ва бошқа салбий ҳолатларнинг учрашига киши бефарқ бўла олмайдми. Ожиза қиз ва аёлга бўлган бундай муносабат энг мудҳиш тубанлик эмасми? Бундай пасткашларга нисбатан жазо чораларининг баъзида енгиллиги, баъзида турли йўллар билан айбдорнинг жазодан қўтилиб қолиши бундай муносабатларга сабаб бўлмаяптимикин?

Нега бу соҳада қонунлар ва ҳуқуқий асосларимиз етарли бўла туриб, жамиятимизда бундай ҳолатлар кўп учрашига имкон бермоқдамиз? Турли ёшдаги олти эркак томонидан ёш келинчақнинг ҳўрланишига, бошқа қатор ҳудудларда қизларимиз, аёлларимизнинг турли зўравонликларга учрашига нега йўл қўйялмиз? Орамизда бундайларга ўрин бўлмаслиги, уларга жазо муқаррар бўлиши лозим.

Биз хотин-қизлар бундай ҳолатлар бўйича қаттиқ қонуний чораларни кўриш, соҳага оид қонун нормаларини қайта кўриб чиқиб, уларнинг таъсир кучини қатъийлаштириш, республикамизнинг турли ҳудудларида аёлларга нисбатан бўлган зўравонлик иштирокчиларининг суд жараёнлари ва уларга қўриладиган чора ёки қўриладиган ҳўқим оммавий ахборот воситалари орқали намойиш этиш тизimini йўлга қўйиш, соҳа бўйича мутасадди ташкилот ва муассасалар фаолиятида туб бурилиш ясаш шарт, деган фикрдамиз.

1-ТАКЛИФ:

Андижон, Самарқанд, Хоразм ва бошқа вилоятларда хотин-қизларга нисбатан бўлаётган зўравонликлар бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга мазкур округ-ҳудудлардан сайланган депутатлар жабр қўрганларнинг ақиллари билан учрашиб:

1. Ҳолатни ўрганиши;
2. Зўравонларга чора ва жазо кўриш жараёнларини назоратга олиши;
3. ОАВларида ўз сайлов ҳудудида бўлган ҳолат бўйича муносабат билдириши, ўрганиш ва чора натижалари бўйича фикрларини оммага етказиши;
4. Мазкур ҳолатларнинг олдини олиш бўйича мониторингнинг қўйиштириш лозим.

2-ТАКЛИФ:

1. Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили — Омбудсман;
2. Олий Мажлисининг мутасадди қўмиталари;
3. Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ ва хотин-қизлар масалалари бўйича мутасадди қатор ташкилот-муассасалар хотин-қизларга нисбатан зўравонлик масалаларини ўрганиб, ўз муносабати ва эришган натижалари тўғрисидаги маълумотларни халққа етказиши, ҳар бири ўз фаолиятида хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси улар фаолиятида амалда устувор бўлишига эришиши лозим.

3-ТАКЛИФ:

Аёллар шаъни ва ор-номусини топташ, уни суяқсдгача олиб бориш — бу ҳалокат! Бундай ҳолатларнинг олдини олиш бора-сида қонуний жазо чораларини истисносиз қўллаш, ҳаракатларимизни тартиблантириб бир тизимга келтириш, ҳуқуқ-тарғибот органларининг таъсири, қонун устуворлиги, уни қўллаш амалиётини қўйиштириш зарур.

Аёлга муносабат жамият соғломлиги тарозиси эканлигини унутмайлик.

«ПИЛОТ-МОДУЛЛИ» ТИПДАГИ

мактабгача таълим муассасалари чекка қишлоқларда ҳам барпо этилади



Виталий КИМ,
халқ депутатлари Тошкент
вилояти Кенгашидаги
ЎзХДП гуруҳи аъзоси:

Бугунги кунда аҳоли муаммоларини ҳал этишнинг самарали тизими — маҳаллабай

тарзида иш юритиш, ёшлар бандлигини таъминлаш, сайёр учрашувлар ўтказиш борасида маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳамда мутасаддилар ҳамкорлиги ўз самарасини бермоқда.

Бу тизим жамиятимиз ижтимоий ҳаёти ва барча соҳаларда рўй бераётган ислохотлар ҳамда истиқболли режаларни амалга оширишда қўлай воситалардан бирига айланди. Ҳозирги кунда Тошкент вилояти бўйича маҳаллий Кенгаш депутатлари, сектор раҳбарлари ҳамда ўзини ўзи бошқарув органлари билан ҳамкорликда ижтимоий масалаларни ўрганиш жараёнида "Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари"га киритилган оила-лар билан учрашиб, мавжуд муаммолар ўрганилиб, тегишли чоралар қўриломоқда.

Ўтган давр мобайнида халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзолари ҳамда секторлар, Бўстонлиқ туман сув таъминоти, "Бопадала" маҳалласи раиси ва фаоллари сайё-ҳаракатлари билан

аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш масаласи кўриб чиқилиб, ижобий ҳал қилинди.

Хайрли ишларнинг узвий давоми сифатида шу кунга қадар маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги ички йўлларга шағал қопламаси тўшалди. Жумладан, Утам, Бурчмулла ва Яка-тут МФЙда аҳолига ноқулайлик туғди-раётган йўллар билан боғлиқ муаммо деярли ўз ечимини топди.

Бўстонлиқ туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида эри-шялаётган ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда йиллар давомида йиғилиб-қолган муаммолар мавжудлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Жумладан, Алишеровод маҳалласида 4 йилдан буён коммунал хизматлар фаолияти ўлда-жўлда, электр энергияси ва сув таъминоти борасида мунтазам узилиш-ҳолатлари мавжуд. Ушбу муаммолар ҳолат юзасидан аҳоли мурожаатлари ўрганилиб, маҳаллий Кенгаш сессия-сига депутатлик сўрови киритилди. Натижада мазкур ҳудудда барча янги (автоматик) электр энергиясини ўлчаш

асбоплари ўрнатилди. Бу каби хайрли ишлар Бўстонлиқ туманининг барча ҳудудларида давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Мактаб-гача таълим вазирлиги томонидан 3-7 ёшли болаларнинг таълим қамровини ошириш, шунингдек, уларнинг мазмуни, сифатини сезиларли даражада яхши-лаш; ўқув-ўқубий таълимни замон та-лаблари даражасида таъминлаш бора-сидаги ислохотлар Бўстонлиқ туманида ҳам давом этмоқда. Шу билан бирга, республика минтақалари ҳудудлари-да жойлашган аҳоли пунктларидаги мураккаб ва ўзига хос бўлган вазифа-ларни ҳал қилиш учун янги ёндашувлар ва асосланган тажрибалар зарурлиги алоҳида эътибор талаб этади.

Хусусан, маҳаллий депутатлар Бўстонлиқ туманидаги Сижжак қишло-ғи, Сарбоғ МФЙ аҳолиси мурожаатлари бўйича халқ вакиллари билан учрашиб, ушбу ҳудудда болалар боғчаси қуриш масаласини ўрганди. Аниқлаштиришда, "Сарбоғ" маҳалласидаги боғча ёшидаги болаларнинг шартли қамрови умумий овқатланиш, махсус жиҳозлар ва ўқув

қўлланмаларисиз 23,1 фоизни ташкил этади. Тумanning Сижжак ва Пском қишлоқларида мактабгача таълим муассасаларининг йўқлиги қўллаб ёш аёлларнинг доимий иш топишига имкон бермайди. Бу эса қўллаб ёш оила-ларнинг ижтимоий аҳолига таъсир қилади.

Бўстонлиқ туман ҳокимлиги, халқ депутатлари Кенгаши ва маҳаллий аҳоли, туман МТБ мутахассислари иштирокида ушбу вазият атрофлича ўрганиб чиқилиб, "Сарбоғ" маҳалласи-нинг ҳудудида янги лойиҳадаги "пилот-модулли" типдаги мактабгача таълим муассасасининг қурилишини амалга ошириш учун ҳозир тегишли вазирлик ва давлат бошқаруви органлари ҳамда мутасадди идораларга сўровнома-лар тақдим этилди. Ушбу масаланинг ижобий ечим топиши учун сайё-ҳара-катлар давом этмоқда. Ҳамжиҳатлик ва яқдиллик билан ягона олий мақсад сари одимлаётган янги Ўзбекистони-мизда янги марраларга эришиш учун бор салоҳият ва имкониятларимизни сафарбар этишга тайёрмиз.

МУРОЖААТНОМА

Хозирги кунда республикаимизда алоҳида эътиборга муҳтож 18 ёшгача бўлган 150 минг нафар фарзандларимиз бор. Уларнинг таълим олиши, аниқ бир касбни эгаллаши учун кўмаклашиш, оғир касалликка чалинганларни даволаш, чин етимларга ҳаётда ўз ўрнини топишга ёрдам бериш, уй-жой билан таъминлаш – нафақат вазифамиз, аввало, инсоний бурчимиздир.

ХДПнинг амалий лойиҳалари:

МАҚСАД

Ҳаммамиз дунёда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни, атрофимиздаги вазиятни қўриб, гувоҳи бўлиб турибмиз. Аҳолининг ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ ислохотларни жадаллаштириш, бу борада самарали чораларни тезкорлик билан ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш, фуқаролар бандлигини таъминлаш энг биринчи навбатдаги масала сифатида майдонга чиқиб улгурди. Айниқса, ердамга муҳтож, яқка-ёлғиз, ишсиз фуқароларни ижтимоий ҳимоялашга эътиборни кучайтириш асосий масала сифатида қўйилди. Коронавирус пандемияси билан боғлиқ мураккаб вазият мазкур йўналишдаги ишлар аҳамиятини янада оширди.

Ана шундай мураккаб шароитда мамлакатимизда аҳолининг бандлик даражасини ошириш, даромадини мустаҳкамлаш, камбағалликка қарши кураш бўйича стратегик вазифалар амалга ошириляпти. Ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш, касб-хунар ўрганиши, ўз ишини йўлга қўйиши учун эҳтиёжманд фуқароларга субсидиялар ажратилмоқда. Кучли ва қафолатланган ижтимоий ҳимоя янги Ўзбекистонни бунёд этиш концепциясининг муҳим йўналишларидан бири сифатида қўрилмоқда.

Халқ демократик партияси ижтимоий ҳимоя бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган тизимли ишларни тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Аммо бу билан чекланмасдан, барча даражадаги депутатлар, партия ташкилотлари, кўп минг сонли хайрихоҳлар ўзариш ва ислохотлар самарали кечиши учун жараёнда бевосита, фаол иштирок этишига алоҳида эътибор қаратапти. Партиянинг бевосита ташаббуси билан амалга оширилаётган бир қатор амалий лойиҳалар етарли даромадга эга бўлмаган оилаларни қўллаб-қувватлаш, бундай оилалар аъзоларини касб-хунар ўргатиш, ўз ишини юритиши учун кўникма беришга қаратилгани билан долзарбдир.

ЎзХДП Марказий Кенгаши вакиллари бу борадаги лойиҳалар ҳақида бизга қуйидагиларни маълум қилишди:

Боймурод ЮСУПОВ,

ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири:

– Партиямиз ўз дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қатор лойиҳа ва ташаббусларни амалга ошириб келмоқда. Шундай тадбирлардан бири — “Депутат маҳаллада” лойиҳасидир. Утган ой давомида лойиҳа доирасида “Темир” дафтар, “Аёллар” ва “Ёшлар” дафтарига киритилган аҳолининг тўрт мингдан ортиқ муаммоси ўрганилди. Шундан 3059 таси ижобий ҳал этилди. 85 та масала партия гуруҳларида, 45 та масала доимий комиссия йиғилишлари ва 35 та масала сессияларда атрофлича муҳокама қилин-

ди. Лойиҳа доирасида 1500 дан ортиқ учрашув, сайёр қабуллар ташкил этилди. Учрашувлар давомида 2300 дан ортиқ муаммо ижобий ҳал этилди.

Лойиҳа доирасида ўрганилган 85 та масала партия гуруҳларида, 45 та масала доимий комиссия йиғилишларида ва 35 та масала сессиялар кун тартибига киритилиб, муҳокама этилди. Депутатлар, шунингдек, ижтимоий соҳадаги ислохотларни юртимизнинг барча ҳудудидида қўллаб-қувватлаш билан бирга, шу йўналишдаги қонун, қарор ва давлат дастурлари ижроси устидан депутатлик ва парламент назоратини кучайтиришга жиддий эътибор қаратмоқда.

Ҳали олдинда вазифаларимиз кўп. Лойиҳани мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўтказишни режалаштирдик. Депутатларимиз билан бирга жойларда ҳақиқий ҳолатни ўз кўзимиз билан кўрсак, муаммоларга ечим топишда шунчалик асосли таклиф бера оламиз. Шундан келиб чиқиб, сайловчилар билан мулоқот тизимини янада кучайтиряпмиз.

Малика РАШИДОВА,

ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходими:

– Юртимизнинг энг чекка туманларида истиқомат қилувчи партия электорати, жумладан, ногиронлиги бўлган шахслар, ёлғиз кексалар, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган оилаларни аниқлаш, уларни муаммоларини ўрганиш ва ечими бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни амалга ошириш мақсадида партия тизимида “Эътиборимиз марказидаги ҳудуд” акцияси ташкил этилди. Ушбу акциянинг дастлабки тадбири Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманида бошланди. Лойиҳа доирасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, ХДП Марказий Кенгаши ва Сурхондарё вилоят, туман кенгашлари масъул ходимлари, депутатлар ҳамда мутасадди ташкилотлар вакиллари билан иборат ишчи гуруҳ тумандаги “Янги ҳаёт”, “Давлатсой”, “Янги обод” маҳалла фуқаролар йиғинларида яшовчи кам таъминланган, ногиронлиги бўлган, ёлғиз кексалар яшайдиган хонадонларга бориб, уларнинг яшаш шароитларини, муаммоларини ўрганди.

Эҳтиёжманд оилаларга озиқ-овқат маҳсулотлари, ногиронлиги бўлган шахсларга ногиронлик аравачаси, қўлтиқтаёқ, эшитиш аппаратлари топширилди. Уларни ўйлантираётган муаммоларни ҳал этиш депутатлар томонидан назоратга олинди. Ўрганиш давомида тумандаги 1- ва 2-сонли умум-

таълим ўрта мактаблари кутубхоналарига китоблар жамланмиси совға қилинди.

Шунингдек, ишчи гуруҳ ташаббуси билан Ёшлар парламенти аъзолари, кўнгилчилар гуруҳлари жалб этилган ҳолда “Янги ҳаёт” маҳалласида яшовчи кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, вояга етмаган фарзандлари бўлган 4 та оиланинг уй-жойлари таъмирлаб бериладиган бўлди.

Маълумот ўрнида таъкидлаш керак, мазкур акция ҳар бир вилоятда ташкил этилади ва ҳудуддаги энг чекка туман танлаб олиниб, ҳар ойда бир маротаба, ойнинг учинчи ўн кўнлигида биттадан туманда ўтказилади.

Гулшан АСАТОВА,

ЎзХДП Марказий Кенгаши сектор мудири:

– Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилалар рўйхати, яъни “темир дафтар” тузилган эди. Бунга қўшимча тарзда ҳар бир маҳалла, туман, шаҳар ва вилоят қисмида “ёшлар дафтари” ва “аёллар дафтари” ҳам шакллантирилди. Бу рўйхатлар “темир дафтар”дан алоҳида бўлиб, унга ижтимоий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бор бўлган ишсиз ёшлар ва хотин-қизлар киритилди. Бунинг натижасида улар билан тизимли, манзилли иш йўлга қўйилди.

Ҳақиқатан ҳам, ёшлар ва аёллар бандлиги ўта долзарб вазифа. Айниқса, бугунги мураккаб пандемия шароитида уларнинг бандлигини таъминлаш, уларга қулай меҳнат шартоти яратиш бериш кечиктириб бўлмайдиган муҳим масаладир. Жойларда аҳоли билан ўтказиладиган мулоқотларда хотин-қизларнинг орау-истаклари, мақсадлари, қизиқишлари билан кўп ўртоқлашамиз. Учрашувларда кўп-

чилик аёллар ишласам, оилам даромадига улуш қўшсам, дейди. Уларни ўйлантираётган энг асосий муаммолардан бир айнан бандлигини таъминлаш эканига кўп амин бўлганмиз. Айтиш керакки, турмушдаги жуда кўп муаммоларнинг аксарияти ҳам шу масалага боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Партиямиз тизимида ўтказиб келинаётган “Аёлларга кўмак” лойиҳаси доирасида жорий йилнинг апрель ойида минг нафардан ортиқ ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бўлган аёллар ҳолидан хабар олинди. 60 нафардан ортиқ хотин-қизга ногиронлик аравачаси, қўлтиқтаёқ ҳамда эшитиш мосламалари берилди, 100 нафардан ортиқ аёлларнинг уй-жойларини таъмирлаш ва уларга уй-жой бериш масалаларига кўмаклашилди. 600 нафарга яқин хотин-қиз ишга жойлаштирилди, 889 нафари касб-хунар ўқишларига жалб қилинди. 150 нафардан ортигига даволанишлари учун ордер, 346 нафарига кредит олишига ёрдам берилди.

Тўғри, давлатнинг, ҳукуматнинг ушбу йўналишга эътибори катта, ислохотларда изчиллик бор. Шу йилнинг ўзида ҳам айнан Президент бошчилигида бу масала бир неча маротаба муҳокама қилинди, катта-катта йиғилишларнинг кун тартибидан ўрин олди. Лекин очигини айтиш керак, қуйида муаммолар жуда кўп. Расмийлик, қорғозбошлик учун қилинаётган ишлар бор. Режа ва дастурларда минг-миглаб иш ўрни яратиш вазифаси киритилади, аммо уларни амалга оширишга келганда, қўзғўямачиликка йўл қўйилади. Демак, ҳудудларнинг имконияти, шароитига, ишлаб чиқариш салоҳиятига қараб иш ўрни яратишни режалаштириш керак, деб ўйлаймиз.

«Ўзбекистон овози» мухбири

Гулрух ОДАШБОВА

тайёрлади.

ҚОНУНГА ШАРҚ

ТОМОРҚА — ДАРОМАД МАНБАИ



Дунёда аҳоли сонининг ўсиб бориши, экин ерлар ва сув ресурсларининг чекланганлиги, айниқса, глобал иқлим ўзгариши ҳамда офатлар натижасида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш барча мамлакатларда энг долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш ҳамда бозорларда нархлар барқарорлигини таъминлашда аҳоли томорқалари ва деҳқон хўжаликлари ер майдонларидан самарали фойдаланиш нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлиги барчамизга маълум.

Сўнгги йилларда томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланиш бўйича бир неча қарорлар қабул қилинди, ҳаттоки қонунларимизга ўзгартириш киритилиб, такомиллаштирилди, янги тахирдаги қонунлар қабул қилинди. Натижада экин еридан самарали фойдаланган томорқа ер эгаларини рағбатлантириш механизми жорий этилди.

Жумладан, “Томорқа хўжалиги тўғрисида”ги янги тахирдаги қонун билан томорқа эгасига мустақил даромад олиш учун тўла мустақиллик берилди.

Томорқа хўжалиги ўзи нима? Томорқа хўжалиги — шахсий

томорқа ер участкаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳам эркин савдо учун, ҳам оила эҳтиёжлари учун етиштириш (қайта ишлаш) билан боғлиқ меҳнат фаолиятидир.

Томорқа хўжалигидаги фаолият шахсий томорқа ер участкаси эгасининг ва оила аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланади.

Томорқа хўжалиги тадбиркорлик фаолияти ҳисобланмайди ва уни давлат рўйхатидан ўтказиш талаб этилмайди.

Эътиборли томони, томорқа хўжалигида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш (қайта ишлаш)

бўйича шахсий меҳнати билан иштирок этишга асосланган фаолиятни мустақил равишда амалга оширувчи шахс аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган тартибда ўзини ўзи банд қилган шахс мақомини олиши мумкин.

Томорқа хўжалигини юритиш учун ажратилган шахсий томорқа ер участкасида етиштирилган (қайта ишланган) қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари хусусий мулк ҳисобланади.

Томорқа хўжалиги учун ер участкаси нима мақсадда ажратилади? Шахсий томорқа ер участкаси томорқа хўжалигини юритиш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ёхуд яқка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш мақсадида ажратилади.

Шахсий томорқа ер участкаси эгаси томорқа хўжаликларини эркин ва мустақил равишда бошқаради, етиштирилган ҳамда мустақил тарзда қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини эркин реализация қилади, ўзи мустақил равишда нарх белгилайди ва олинган даромадларини ўзи хоҳлагандек ишлатади.

Томорқачи агрокластерлар билан ҳамкорлик қилиши, шунингдек, қишлоқ хўжалиги кооперативларига иштиёрий равишда аъзо бўлиши мумкин.

Исқонхоналар ташкил этиш, уруғликлар, қўчатлар, қорва моллари ҳамда паррандалар, қишлоқ хўжалиги ашё-анжомлари ва ускуналари, сўғориш қурilmалари (насослар, артезиан қудуқлар ва бошқаларни) сотиб олиш учун қонунчиликда назарда тутилган имтиёзлардан, шу жумладан, имтиёзли кредитлардан, субсидиялардан ва бошқа преференциялардан фойдаланиши мумкин.

Томорқачи Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига иштиёрий равишда аъзо бўлиши мумкин. Бунда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва

томорқа ер эгалари кенгаши шахсий томорқа ер участкалари эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилади. Шу жумладан, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, тайёрлов, таъминот ва хизматлар кўрсатиш ташкилотлари билан ўзаро муносабатларда томорқачини ҳимоя қилади. Шунингдек, судда уларнинг манфаатларини ифода этади.

Албатта, ҳуқуқ бор жойда мажбурий ҳам бўлади. Томорқачи ерлардан оқилонга фойдаланиши, ерига қишлоқ хўжалиги экинларини экиши ва ободонлаштириши, тупроқ унумдорлигини сақлаши, ошириши, сувни тежаб фойдаланиши, уй-жой қуриш ҳуқуқисиз ажратилган ер участкаларида бинолар ва иншоотлар қурмаслиги лозим.

Эндликда томорқадаги меҳнат ҳам иш стажига қўшилади. Майдони камида 0,04 гектар бўлган шахсий томорқа ер участкасида банд бўлган ёки мазкур майдонда шох-ли қорамол ёхуд камида эллик бош парранда боқаётган шахсий томорқа ер участкасининг эгаси ёки унинг оила аъзолари ижтимоий солиқ тўлаши мумкин.

Бунда шахсий томорқа ер участкасининг эгаси ёки унинг оила аъзолари ижтимоий солиқни иштиёрий асосда тўлайди. Ижтимоий солиқнинг белгиланган миқдорини тўлаш меҳнат стажини ҳисоблаб чиқариш чоғида бир календарь йил, деб ҳисобга олинади.

Янги қонуннинг қабул қилиниши, томорқа хўжалигини юритувчи ер эгаларига қўллаб-қўлтиғи ва имкониятлар берди, томорқа хўжалигини янада ривожлантириш, ҳеч кимга қарам бўлмаган ҳолда эркин фаолият юритиш ва даромад олиш имконияти юзага келди.

Зафар МУСТАФАҚУЛОВ,
ҳуқуқшунос.

ТАДБИР

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Миллатлараро муносабатлар ва хорижий давлатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси фаолияти ва келгусидаги вазифаларига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди. Унда оммавий ахборот воситалари ходимлари, миллий маданий марказлар, дўстлик жамияти, кўмита вакиллари иштирок этишди.

КЎПМИЛЛАТЛИ
ЯГОНА
ОИЛА

Жамиятда кўп миллатли катта оила ҳис-туйғусини, мамлакатимизда яшайётган турли миллат ва элат вакиллари ўртасида дўстлик ва тотувликни янада мустаҳкамлаш мақсадида 2021 йилнинг 1-чорагида кўмита ҳамкорлигида, миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари иштирокида республика миқёсида 1294 та маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Шулардан 100 тадан ортиги илмий-амалий конференция ва семинар, 540 таси давра суҳбати, 245 таси кўргазма ва 7 та форум тарзида ташкил этилди.

– Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси томонидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда, – дейди кўмита бўлим бошлиғи Феруз БЕКОВ. — Бугунги кунда кўмитамиз мамлакатимизда фаолият юритаётган 150 та миллий маданий марказ, 38 та дўстлик жамияти ва хориждаги ватандошларнинг 38 та жамияти билан ҳамкорлик қилмоқда. Гуманитар, маданий, маърифий ва ахборот соҳаларида хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш мақсадида кўмита ва Ҳиндистон — Ўзбекистон дўстлик жамияти ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Хориждаги дўстлик жамиятлари билан дўстона алоқаларни кучайтириш, мамлакатимиз нуфузини ва мақомини янада ошириш, ўзбек халқининг бой тарихий анъаналари ва маданиятини халқаро жамоатчиликка етказиш мақсадида 2 та учрашув ҳамда 4 та видеоконференция ўтказилди. Президентимиз томонидан имзоланган қонунга асосан 30 июль – Халқаро дўстлик кунининг юртимизда Халқлар дўстлиги кўни этиб белгиланиши миллатлараро тотувлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик давлат сиёсати даражасига кўтарилганидан далолатдир.

Кўмита томонидан хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ҳамкорлик соҳасида “Сиз Ўзбекистонни биласизми?” мавзусидаги онлайн викторина ўтказилиши режалаштирилган.

Ушбу викторинада хориждаги ватандошлар ва Ўзбекистон ҳаётига қизиққан чет эллик фуқаролар ҳам иштирок этиши мумкин. Онлайн викторинанинг биринчи босқичи жорий йилнинг 20-30 май кунлари 13 та мамлакатда истиқомат қилаётган ватандошлар ҳамда чет эл фуқаролари ўртасида ташкил этилади.

Жамшид АМИРОВ,
ЎзЖОКУ талабаси.

МУРОЖААТНОМА

Ўз кучимиз ва имкониятларимизга бўлган ишонч бизни
Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек эзгу мақсад
йўлида бирлаштириб, янада кучли ва мустаҳкам қилмоқда.

ЗИЛЗИЛАНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МУМКИНИМИ?

Узоқ ва яқин ўтмишда дунёнинг турли бурчларида кучли ер силкинишлари содир бўлиб, кўплаб вайронагарчиликлар юзага келган, минглаб қурбонлар берилган. Бундан роппа-роса 55 йил олдин, яъни 1966 йил, 26 апрель тонгида, эрталаб соат 5 дан 23 дақиқа ўтганда Тошкент шаҳрида рўй берган муҳдиҳи зилзилани ёши улуг пойтахтликлар ҳали ҳам яхши эслашади. Ҳўш, бундай табиий офатлар рўй бериши ҳолатларини олдиндан билиб бўладими?

Сухбатдошимиз Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Сейсмология институтининг лаборатория мудири, академик Ҳаҳорбой Абдуллабеков.

— Зилзила табиий офатлар ичида энг хавфлиларидан бири саналади. Унинг келиб чиқиш сабаблари ҳусусида тўхталиб ўтсангиз...

— Зилзила сабаблари билан одамлар жуда қадим замонлардан бундан қизиқиб келишган. Грек олими Демокритнинг (милоддан аввалги 460-370 йиллар) фикрича, зилзилалар келиб чиқишига асосий сабаб — сувларнинг таъсири бўлган. Яъни, зилзила қор, ёмғир, денгиз ва кўллардаги сувларнинг ер остига шимиллиши натижасида рўй беради, деб ҳисобланган. Грек олими Аристотель (милоддан аввалги 384-322 йиллар) маълумотларида гор ва бошқа бўшлиқларда йиғилиб қолган ҳавонинг катта босим таъсирида ер остига кириши, уй тўтилиши ва довуллар зилзила сабабчиси, деб кўрсатилган.

Ўрта асрнинг машҳур қомусий билим соҳиблари — Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино ва кейинроқ Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз асарларида зилзиланинг сабаб ва оқибатлари ҳақида қимматли фикрлар билдиришган. Улар зилзила ҳамма жойда эмас, айрим жойларда намоён бўлиши ҳамда зилзила вақти илғи фаслларига — кўёш ва ой фазаларига боғлиқлиги ҳақида ёзишган. "Бобурнома"да зилзила кучи ер устида қандай тарқалиши ҳақида қимматли фикрлар келтирилган. Бундай асарлар зилзила табиати ҳақидаги биринчи ва тўғри қадамлар эди. Сунгги ўн йилликларда ернинг қоиотда ва кўёш тизимида тугган ўрни, унинг ўлчамлари, физик ва кимёвий хоссалари, тузилиши, ундаги турли жараёнлар тўғрисида геология, геофизика, геокиём, астрономия ва яна бир неча фанлар ёрдамида аниқ маълумотлар олишга муваффақ бўлинди.

Энди зилзила сабабларига тўхталиб ўтайдиган бўлсак, ҳозирги кунда асосан икки хил фикр бор. Биринчиси — ернинг чуқур қатламларида доимо мураккаб кимёвий, физик жараёнлар тўхтовсиз давом этади ва солиштирма оғирлиги оғир жинсларнинг доимо пастга, енгил жинсларнинг юқорига бўлган ҳаракати ҳисобланади.

Иккинчиси — радиоактивлик хоссаси ҳамда юқори босим ва ҳарорат асосида бир жинсдан иккинчисининг ҳосил бўлиши ёки жинсларнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиши натижасида энергия ажралади. Бундай реакциялар содир бўлишига сабаб ернинг чуқур қатламларида жуда катта босим ва иссиқлик мавжудлигидир. Энергиянинг сақланиши қонунига кўра, у йўқолиб кетмайди. Демак, ҳосил бўлган энергия сарф бўлиши керак. Бу энергия ер остида жуда катта ҳажимдаги жинсларни ҳаракатга келтиради.

Энергиянинг қанчалик катталигини кўз олдимизга келтириш учун Тянь-Шань, Помир, Кавказ ёки Ҳимолай тоғларини тасаввур қилиб қўрайлик. Масалан, биргина Тянь-Шаньнинг ўзи бўйи ва эни минг километр бўлган майдонни эгаллаган улкан "тоғ мамлакатини" ташкил қилади. Баландлиги эса айрим жойларда 4-5 километрдан ошади. Ана шу улкан тоғларни ҳосил қилувчи кучлар ҳам зилзилага сабаб бўлиши мумкин.

Марказий Осиё ҳудудига ҳозир тоғ ҳосил бўлиш жараёни давом этмоқда. Ана шу тоғ ҳосил қилувчи тектоник жараёнлар зилзила содир бўлишига олиб келиши мумкин. Энг асосий сабаб, тоғ ҳосил қилувчи ер ости қучларининг майдон бўйлаб бир текисда тарқалмаслигидир. Тянь-Шань ўз навбатида Фарғона, Чўлтоқ, Туркистон, Олой, Зарафшон, Ҳисор каби ўнга яқин тоғ тизмаларидан ташкил топган.

Тоғ тизмалари силсиласида Чўй водийси, Тошкент воҳаси, Фарғона водийси ва бошқалар жойлашган. Одатда тоғ тизмалари каттароқ тезликда, улар ўртасидаги воҳалар эса камроқ тезликда ҳаракат қилади. Тезлиги ҳар хил бўлган қатламларда аста-секин бурилишлар, эгилишлар пайдо бўла бошлади ва охири-оқибат уларнинг синиши — парчаланишига олиб келади. Ана шу жараён зилзила оқибатларини келтириб чиқаради, десак ҳам бўлади. Йиғилган механик энергия эластик сейсмик тўлқинлар энергиясига айланади ва ер силкинишига олиб келади.


Ер шарни ўндан ортиқ йирик плиталарга бўлинган. Геотектоникада литосфера таъсири ва ҳаракати бўйича ҳозирги давр илмий таъсирлар шундан иборатки, ер қобиғи бир-биридан алоҳида ҳолда доимий ҳаракатдаги литосфера плиталаридан иборат. Улар турли йўналишда горизонтал ҳаракатга эга. Плиталарнинг ўзаро тўқнашуви улкан тоғлар ҳосил бўлишига, зилзилалар рўй беришига олиб келади. Масалан, Марказий Осиёдаги Тянь-Шань, Помир, Ҳиндикуш тоғларининг пайдо бўлиши ва зилзиланинг келиб чиқишига сабаб Ҳинд ва Евроосиё плиталарининг "тўқнашуви"дир.

Ҳулосаларга таянадиган бўлсак, тоғ ҳосил қилувчи зилзилаларга олиб келувчи жараёнлар вертикал ва горизонтал йўналган қўшма-қўшлар таъсирида рўй беради экан. Геологияда биринчи тарафдорлар — "фиксистлар", иккинчиси — «мобилистлар», дейилади.

— Табиий офатлар, хусусан, зилзиланинг олдини олишда унинг тарихини ўрганиш, шу асосда илмий тадқиқотлар ўтказиш тўғрисида прогнозлаш имконини берадими?

— Ўзбекистонда туғилиб ўсган ҳар бир киши юртимизда тез-тез зилзилалар рўй бериб туришини, баъзан улар ниҳоятда дахшатли эканини яхши билади ва уни тасаввур қила олади. Бироқ, инсон табиатида унутувчанлик хусусияти мавжуд. Масалан, йиллар ўтган сари юз берган табиий офатлар қўлфатини унутамиз, касалликни енгмасдан туриб, парҳежи эсдан чиқарганимиз каби сув тошиши ёки кўчки эҳтимоли бўлган ерларга иморатлар қурамиз ва ҳоказо. Зилзила ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Қўпгина давлатларда минг йил, ҳатто ўндан олдинги зилзилаларнинг тарихий жадаллари тузилган. Минг афсуски, бизда бу маълумотлар тўлиқ эмас. Кейинги 100-200 йиллик маълумотлар бор, холос. Ўндан ил-



гаригилари тўғрисида айрим тахминий маълумотлар сақланган. Балки эски кўлемларда, китобларда бизга ниҳоятда зарур бўлган маълумотлар сақланаётган бўлиши мумкин. Бу соҳада тарихчиларимиз, тилшунослар ва адабиётшунослар ёрдам қилиши чўзсалар чакки бўлмасди.

Шундай бўлса-да, баъзи тахминий маълумотларга қараганда, тарихда айрим шаҳарларимизда кучли зилзилалар бўлиб ўтганини ўйганмиз. Масалан, 838-839 йиллари Фарғонада, 942 йили Бухорода, 1208-1209 йилларда Ўрганчада, 1490 йили Самарқандда, 1494 ҳамда 1927 йилларда Наманганда, 1620 йили Ахси-кентда, 1821-1822 йилларда Бухоро ва Самарқанд яқинида, 1802 йили Андижонда, 1868, 1924, 1938, 1966 ва 2008 йиллари Тошкентда, 1976, 1984 йилларда Газ-лида ер қимирлашлар бўлиб ўтгани ҳақида манбалар бор. Шуларнинг ичида энг вайронкори ва дахшатлиси 1902 йили Андижонда рўй берган 9-10 баллик ер силкиниши ва 1966 йили Тошкентда бўлган 8 баллик зилзила ҳисобланади.

Бундан қўринадики, мамлакатимиз табиий офатлардан холи ҳудудлардан эмас. Шундай экан, биз олимлар зилзиладан халос бўлиш чора-тадбирларини қўришимиз, илпожи борича унинг зарари оқибатларини бартараф этиш учун қандай муаммолар мавжудлигини ҳалқимизга тушунтириб боришимиз лозим. Чунки Ер шарига йилга ўрта ҳисобда ўн мингга яқин кучли ва сезиларли зилзилалар рўй беради. Улардан 15-20 таси фожиали ҳисобланади.

Зилзиланинг рўй бериш вақтини олдиндан аниқ айтиш мушкул. Сейсмик қучланишнинг ҳам ўзига хос йиллари мавжуд. Масалан, ўтган асримизда сейсмик жараёнлар 1905-1910, 1930-1950, 1955-1960 йилларда кўпроқ кузатилган. Мутахассисларнинг фикрича, 1998-1999 йиллар ҳам ана шу жараёнга кириди ва ҳали давом этиши эҳтимолдан холи эмас.

— "Зилзила ўчоғи" деган атама нимани билдиради? — Зилзила ернинг маълум чуқурликдаги қатламларида рўй беради ва атрофда тарқалади. Зилзила бўлган жойни зилзила ўчоғи деймиз, ўчоқнинг маркази гипоцентр, деб аталади. Гипоцентрининг ер юзидagi проекцияси эпицентр, деб юритилган. Эпицентр ва гипоцентр оралиғидаги масофа ёки ер сатҳидан гипоцентрдаги бўлган оралик зилзиланинг чуқурлиги, дейилади. Унинг чуқурлиги ер сатҳидан 700-750 километрча масофага ташкил қилади.

Чуқурлиғига қараб зилзилалар учга бўлинади. Ер сатҳидан 70 километр чуқурликкача жойлашганлари ер қобиғи зилзилалари, 70 дан 300 километрча бўлганлари оралик ёки қобик ости зилзилалари ва 300 километрдан 700-750 километрча бўлганлари чуқур фокусли зилзилалар ҳисобланади. Марказий Осиёда, хусусан Ўзбекистонда рўй берадиган зилзилаларнинг барчаси биринчи гуруҳга, яъни ер қобиғи зилзилаларига кириди. Уларнинг чуқурлиги асосан 10-40 километр, айрим ҳолларда, масалан, Помирда 70 километрча боради.

— Яқин ўн йил ичида Осиё китъасида кучли ер силкинишлари кузатилди. 2003 йилда Эрон Ислон Республикасида, 2004 йилда Индонезияда, 2011 йилда Японияда рўй берган табиий офатларнинг талафот қўламини жуда катта бўлди. Бунинг асосий сабаблари нимада, деб биласиз?

— Марказий Осиё ҳудуди, жумладан Ўзбекистон ҳам ўрта ер денгизи — Осиё сейсмик камарида жойлашган. Бизнинг тадқиқотларимиз натижасига кўра, бу сейсмик камардаги сейсмик жараён даврий характерга эга бўлиб, 15-17 йил сейсмик сокинлик ва 15-17 йил сейсмик фаол даврлардан иборат. Сунгги сейсмик фаоллик 1998 йилда бошланган бўлиб, фикримизча, 2017 йилларгача давом этиши кутилган. Мазкур сейсмик камарда Ҳиндикуш, Хитой, Покистон, Афғонистон, Туркия, Эрон, Озарбайжон, Ўрта ер денгизи қирғоқларидаги бир қанча Европа мамлакатлари (Греция, Италия ва бошқалар) жойлашган. Энг кучли зилзила 2004 йил 26 декабрда Индонезиянинг Суматра оролларида рўй берди. Марказий Осиёда анча йиллардан бунён сейсмик сокинлик кузатилмади. Бу ҳолат мазкур ҳудудда сейсмик ўзгариш мавжудлигини кўрсатади.

Эрон ва Япония ҳудудига деярли ҳар қуни турли кучдаги ер силкинишлари такрорланиб туради. Ўтган йилда айрим давлатларда рўй берган зилзила ҳам ўн минглаб одамларнинг қурбон бўлишига олиб келди. Кези келганда шунч ҳам айтиб ўтиш жоизки, қўпична матбуот нашрларида "Рихтер бўйича фалон балл куч билан зилзила рўй берди", деб "балл" сўзини нўрчин ишлатиш одат тусига кириб қолган. Магнитуда деганда Рихтер шкаласи назарда тутилади ва "балл" сўзи ишлатилмайди.

Рихтер шкаласи 0 дан 9 гача. "Балл" сўзи 12 балли шкалада ишлатилади. Энг кўп тарқалган 12 балли

халқаро "MSK-64" шкаласидир. У 1964 йилда Парижда ЮНЕСКО томонидан қабул қилинган. М — Медведев (Россия), S — Шпонхойер (Германия) К — Карник (Чехия) олимларининг бош ҳарфлари билан аталади.

Умумий Рихтер шкаласи бўйича энг кучли зилзилаларнинг магнитудаси 9 га тенг. Бундай зилзилалар ер шарига камдан-кам — ҳар 40-50 йилда содир бўлади. Масалан, ўтган асрнинг 1960, 1964 йилларида бўлиб ўтган Чили ва Аляска зилзилалари, ҳозирги асрда эса 2004 йил 26 декабрдаги Суматра зилзиласи ва 2011 йил 11 мартдаги Япония зилзиласи бунга мисол бўла олади. Ўзбекистонда бундай ўта кучли зилзилалар бўлмайдми, энг кучли зилзиланинг магнитудаси 7,5 дан ошмайди.

— Зилзилаларнинг юз бериши ер шарининг бошқа минтақаларига ҳам таъсир этиши мумкинми?

— Ҳа, албатта. Хайн, Магнийкий, Введенская, Улюмов, Рикитаке каби таниқли олимлар фикрига кўра, ер умумий сейсмик қучланишга эга. Демак, бир жойда қаттиқ ер силкиниши ўз ортидан кучли қучланишларни олиб келиши мумкин. Бу табиий ўзгаришлар ҳар доим ҳам бир хил кечавермайди. Мисол учун ер юзининг баъзи нуқталаридаги кучли зилзила бошқа жойни қўзғатиши мумкин. Бизнинг минтақамиз ҳам бундан холи эмас. Ўзбекистоннинг шарқидagi сейсмик ҳолатнинг 100-120 йил давомидаги натижаларини қўриб чикайлик. Ғарбий Тянь-Шань минтақасидаги сейсмик жараён тахминан ҳар 35 йилда даврий такрорланиб туради. 20-25 йил давом этган тинч ҳолатдан сўнг ер қимирлаши қучайиб боради. Навбатдаги жараён сўнгги 100-120 йил давомида 3 марта кузатилган. Демак, бу — 4-жараён бошлангандандалап даволат бермоқда.

— Зилзила рўй бергандан кейин баъзан у яна такрорланиши ҳам мумкин. Халқимиз орасида "зилзила қайтди" ёки "қайтмади" деган иборалар учраб туради.

— Тўғри. Сейсмик тўлқинлар ҳар хил тезликка эга. Агар зилзила яқин 100-150 километрча масофада бўлса, тўлқинлар бирин-кетин тез этиб келади, бир-бирига қўшилиб кетади ва уларни одамлар деярли бир-биридан ажрата олмайд. Агар масофа бир неча юз километр ва ўндан ортиқ бўлса, тўлқинлар олдинма-кейин, лекин алоҳида-алоҳида этиб келади. Масалан, Афғонистонда чуқурлиги 80-250 километр бўлган зилзила тез-тез рўй бериб туради ва бу Ўзбекистоннинг барча вилоятларида сезилади.

Тошкентга биринчи бўйлама тўлқин этиб келгандан кейин орадан 45-50 сония ўтган, олдингисидан кучлироқ иккинчи қўндаланг тўлқин ва яна бир ордан кейин учинчи юза тўлқин келади. Бир ерда турган одамда гўёки бир неча зилзила бўлгандек тасаввур ҳосил бўлади.

— Яқин йилларда Ўзбекистон ҳудудида зилзилалар бўлиш эҳтимоли борми? Ўндан сақланиш учун қандай чора-тадбирлар қўрилайпти?

— Табиий офатлар ичида инсон кучи етмайдиганларидан бири зилзила ҳисобланади. Ҳеч бир мамлакат бундай муҳдиҳ офатдан тўла қасофатланмаган. Ҳатто илғор фан-технологиямиз ҳам уни йўқ қилишга ёки тўхтатишга ҳозирча ожизлик қилади. Балки бунга ҳали вақт керакдир. Бироқ зилзилани тўхтатиш мумкин эмас, дегани ўндан сақланишнинг илпожи йўқ, деган маънони аңглатмайди. Ўндан қўтилишнинг, яъни зарар қўрмаслиқнинг, инсон ҳаётини, қўрилмиш иншоотларини, барча ҳойликларимизни сақлаб қолиш имкониятлари бор. Ҳозирги кунда зилзилаларнинг оқибатини ер қимирлашидан талафот қўрмаслик чоралари мавжуд дея жавоб бера олади.

Кейинги йилларда табиий офатларнинг олдини олиш ва уларнинг зарарли оқибатларини камайтиришга катта эътибор қаратилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 4 апрелдаги табиий офатларнинг олдини олиш ва зарарли оқибатларини камайтириш бўйича қарори асосида Давлат дастури тасдиқланди. 2009 йил 9 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Сейсмология институтининг сейсмологик станциялари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш тўғрисида"ги қарори асосида республикамиздаги барча станциялар замонавий асбоб-ускуналар билан қайта жиҳозланаяпти, улар жорий таъмирланиб, яна 24 та янги станция ишга туширилмоқда. Бу ишларга давлат бюджетидан етарли маблағ ажратилган. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 19 июлдаги "Аҳолини зилзилалар оқибатида юзага келадиган фавқулодда вазиятларда (табиий ва техноген тусдаги) ҳаракат қилишга тайёролаш тўғрисида"ги қарори кучга кирди.

Биз республикамизнинг қайси ерларида қандай куч билан зилзила бўлишини қўрсатадиган хариталар тузишимиз ва барча қўрилмиш ишларини уларни ҳисобга олган ҳолда олиб боришимиз керак. Сейсмология институтининг энг муҳим вазифаларидан бири — рес-

публикамизнинг янги умумий сейсмик ҳудудлаштириш хариталарини тузишдан иборат эди. Бу масала ижобий ҳал этилиб, "Давархитектурилиш" қўмитасида тасдиқланди. Умумий сейсмик районлаштириш харитасининг кейинги такомиллашган варианты 2019 йилда Қурилиш вазирлиги томонидан тасдиқланди.

— Давлатимиз раҳбари томонидан 2020 йил 30 июлда "Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарор эълон қилинган эди. Ушбу ҳужжат ижроси доирасида республикамизда олиб борилаётган ишлар ҳақида тўхталсангиз?

Бу ҳужжат шубҳасиз, ўзининг масштаби, ечилиши зарур бўлган муаммоларнинг кенлиги, долзарблиги билан аввалгиларидан тубдан фарқ қилади. Қарорда аҳоли ва ҳудудларнинг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини тубдан такомиллаштириш масаласи қўндаланг қўйилган. Унда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси ҳузуридаги Фуқаро муҳофазаси институти, Сейсмологик мониторинг республика маркази ҳамда вазирликнинг ҳудудий тузилмалари, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Сейсмология, Механика ва сейсморавдонлик институтлари, Қурилиш вазирлиги, Ўзбекистон миллий университети, Турин политехника университети ва бошқа қатор вазирликлар ва идоралар бажарадиган энг муҳим ишлар ёритилган. Эътиборли жиҳат шундаки, қарорда яқин 1-2 йилда амалга оширилаётган тадбирлар билан бирга, кейинги 10-15 йилга мўлжалланган ишлар концепцияси берилган. Кези келганда шунч ҳам эътироф этмоқчиманки, қарор ижросини ўз вақтида ва тўлақонли бажариш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида алоҳида шўба ташкил этилгани аҳамиятга молиқ.

Ғарчанд Ўзбекистон ҳудудида тинч ҳолат кузатилаётган бўлса-да, республикамиз билан чегарадош мамлакатларда кучли зилзилалар бўлиб ўтди. Ўзбекистонни биринчи ҳудуд деб оладиган бўлсак, бу ҳудуддаги тинч ҳолат ортқича энергия тўпланиб қолганидан далолат беради. Мамлакатимиздан анча узоқ бўлган Олой тоғлари ён-атрофлари хавфлироқ ҳудудлардан ҳисобланиб, кучли зилзила 1895-1907 йилларда кузатилган. Иккинчи ҳудуд Туркистон тоғлари ён-атрофларида жойлашган. Учинчи ҳудуд Қўрағот ён-атрофи бўлиб, бу ерда кучли зилзила 1907 йили рўй берган. Ниҳоят, тўртинчиси Ўзбекистон ҳудудининг шимолӣ қисми бўлиб, бу ерда 1902-1906 йилларда магнитудаси 5-6 бўлган зилзилалар содир бўлган.

Айни пайтда зилзилани ва унинг дарақчиларини кузатиш учун Ўзбекистоннинг барча вилоятларида жойлашган махсус станциялар мавжуд, улар тўхтовсиз назорат остида. Фаннинг ҳозирги босқичида Сейсмология фани зилзилани олдиндан айтиш мумкин, унинг қўпгина дарақчилари мавжуд, дарақчилар эса аниқ физик катталарига эга, деб ҳисобланади. Дарақчиларни кузатиш натижасида зилзила намоён бўлиш қўнуниятлари топилган ва уни олдиндан айтиш усуллари ишлаб чиқилган.

2018 йилгача Фанлар академияси Сейсмология институтининг Комплекс экспедицияси, 2019 йилдан бошлаб эса Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Сейсмологик мониторинг республика маркази томонидан мамлакатимизнинг барча вилоятларида зилзила дарақчилари кузатиб борилади. Ўтган давр ичида бир қанча кучли зилзилаларнинг жойи, кучи ва вақти аниқ айтиб берилган.

— 2003 йилнинг кузидида Сейсмология институтига хитойлик олимлар томонидан қиймати 300 минг АҚШ долларига тенг бешта замонавий станция топширилган эди...

—2001 йилда Ҳукуматлараро иқтисодий комиссия қарори асосида Фанлар академияси ва Хитой Сейсмология бюроси ўртасида ўзаро ҳамкорлик битими тузилган. Мазкур битимга кўра, хитойлик мутахассислар кадрлар тайёрлаш ва тизимини янги асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш борасида мамлакатимиз сейсмологлари билан ҳамкорликда иш олиб боришмоқда. Хитойлик ҳамкорлар томонидан берилган станцияларнинг тўрттаси Тошкент шаҳри ва атрофида, биттаси Самарқанд вилоятида ўрнатилди.

Кейинги йилларда ҳукумат қарорларига асосан республикамизда 24 янги сейсмик ва прогнозик станциялар очилди ва улар замонавий асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозланди. Бундан ташқари, институтиимиз яна 6 та турли халқаро грантлар ёрдамида сейсмик станцияларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ва сейсмологик тадқиқотларни жаҳон андозаларига жавоб берадиган даражада олиб боришга ҳаракат қилмоқда. Илгари ер силкинишларини қайд қилиш фотоқозога ёзиш асосида амалга оширилган бўлса, эндиликда рақамли тизим орқали иш олиб боришмоқда. Қўварлиси, бу тизимни институт ходимлари ва экспедиция аъзолари ҳамкорликда яратишди.

— Офат сўраб келмайди, у қутилмаганда рўй беради. Худо қўрсатмасин, шундай ҳолат ўз берган тағдирда ўндан қандай сақланиш мумкин?

— Қутилмаган табиий офат чоғида саросимага тушмаслик лозим. Бу — атрофдагиларнинг ортқича ваҳимага тушмасликлари ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Ер силкинган вақтда ва ўндан кейин ҳам қўрқинчани енгиб, ўзини бошқара олиш, тебраниш тўхтагунча кутиш керак. Қўп қаватли уйларда яшайдиганларга хонанинг асосий девори бурчаклари ёки эҳад кесакисига ўтиб олиш тавсия этилади. Ҳар бир хонадон соҳиби бундай жойларни олдиндан аниқлаб, уйдагиларига, айниқса болаларига тушунтириб қўйса, фойдадан холи бўлмайди. Лифт ёки зиналоқ майдонларига югуриб чиқмаслик даркор. Балконга чиқиш ҳам хавфли. Чунки қўп ҳолларда ушбу қўрилмаларнинг биринчи навбатда қулаши кузатилган. Жавон ёки одамлар устига тушиб кетиши мумкин бўлган оғир жиҳозларни дам олиш, этиш жойидан узоқроққа жойлаштирган маъқул.

Қишлоқ ёки тоғ ёнбағри аҳолиси уй ёки иш жойларида хавфли жараёнлар, яъни сув тошқини, ер, тош қўқчилари юз бериши мумкинлигини ҳисобга олиб, хавфсиз манзилга чиқиш йўллариин олдиндан аниқлаб қўйиши керак. Ҳар бир инсонга биринчи навбатда ўзи эътиёткор бўлишни, олдиндан хавфсизлик чораларини қўриб қўйишнинг масъалаб берган бўларди.

Яна шунч ҳам таъкидлаб ўтмоқчиманки, фавқулодда вазиятлар чоғида турри ҳаракат қилиш қўнқимасини болаларимизда мактаб давридаёқ шакллантириб бориш билан бирга, уларни табиий офатлардан сақланиш борасидаги замонавий билимлар билан қўрол-лантириш ҳам яхши самара беради.

Азамат СҮЮНОВ
сухбатлашди.



ПАСТ ДАРҒОМДА ЭЪТИБОРЛИ ИШЛАР

Паст Дарғом туман ҳокимлигида бўлганимда мутасаддилар тиббиёт соҳасида бажарилаётган ишлар, айниқса, бу борада кейинги тўрт йил мобайнидаги ўзгаришлар ҳақида гапириб беришди. Ҳаммасидан ҳам юрак етишмовчилиги бўйича туман ногиронлиги бўлган болаларнинг ҳокимлик ташаббуси асосида жарроҳлик йўли билан даволангани эътиборли эди. Бу ерда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли орасидаги юқори технологияли тиббий ёрдамга эҳтиёжи бор беморларга биринчи галда ёрдам кўрсатилмоқда.

— Туманимизда тиббиёт соҳасида қатор эътиборли ишлар амалга оширилди, — деди бирлашма бошлиғи ўринбосари Баҳром Сатторов. — Бу ҳаракатларнинг айна пайтда ҳам жадал давом этаётгани эса мамлакатимизда тиббиёт тараққиётига, аҳоли саломатлигига жиддий эътибор қаратилаётганидан дарак. Марказий касалхона ҳамда қишлоқлардаги тиббиёт муассасалари замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланди. Марказий шифохона бўлимлари рақамли портатив рентген, УТГ, сунъий нафас бериш, нафас аппаратлари, кислород концентраторлари каби замонавий тиббий жиҳозлар, жарроҳлик ва генетикология операциялар тўпламлар билан таъминланди. Кадрлар масаласида муаммо йўқ.

Баҳром Сатторов бизни тўғма юрак нуқсони ва яна бир неча хасталикларга дучор бўлганлар рўйхати билан таништирди. Тўғма юрак нуқсони бўлган болаларнинг ўзи 68 нафар ва яна бошқа касалликлар билан оғирланган сони ҳам шу атрофда экан. Рўйхатда улар муолажаси учун сарф қилинадиган харажатлар миқдори ёзиб қўйилган. Тўғма юрак нуқсони билан касалланган ҳар

МУРОЖААТНОМА

2021 йилда “Саноатқурилишбанк”, “Асака банк”, “Ипотека банк”, “Алоқа банк”, “Турон банк” ҳамда “Қишлоқ қурилиш банк”ни хусусийлаштиришга тайёрлаймиз.

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН “090 КАРТАСИ”

КРЕДИТЛАРНИ 90 КУНГА “НОЛЬ” ФОИЗЛАРДА ОЛИШ ИМКОНЯТИ ЯРАТИЛАДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида “Ўзсаноатқурилишбанк”да бизнес жараёнларга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш истиқболларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Унда “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ бошқаруви раисининг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси Бехзод Бозоров ахборот берди.

Президентимизнинг 2020 йил 12 майда “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони эълон қилинди. Ушбу фармон асосида ишлаб чиқилган стратегия ва “Йўл харитаси” банклар учун муҳим дастуриямал бўлмоқда. Фармонда банк тизимига замонавий сервис ечимлари асосида ахборот ва молиявий технологияларни кенг жорий этиш ҳамда молиявий хизматлар кўрсатишда инсон омил таъсирини камайтириш бўйича тезкор чора-тадбирлар кўриш алоҳида қайд этилган.

Ўзсаноатқурилишбанк тизимида фармонда кўрсатилганидек, янги “рақамли банкнинг” тамойиллари асосида бизнес-модель жорий қилиниб, унга кўра босқимча-босқич ишлар амалга оширилмоқда.

Брифингда ўтган бир йилда банк тизимида бизнес жараёнларига

да аҳоли ўртасида оммалашувини таъминлади. JOYDA мобил иловасининг ишлаб бoшлаганига кўп ўтмаган бўлса-да, бугунги кунга келиб платформадан фойдаланувчилар сони 340 минг кишига етди. Пластик картага ўтказмалар 540 миллиард сўмни ташкил этди, 650 миллиард сўмлик онлайн кредитлар расмийлаштирилди, қарийб 95 миллиард сўмлик 1 500 дан ортиқ омонат ҳисобварағи очилди, 5 600 та карта муомалага чиқарилиб, эгаларига етказиб берилди. Платформа тадбиркорларимиз учун ҳам қўлай савдо майдончасига айланди. Жумладан, ҳозирги пайтда 100 дан ортиқ савдо-сервис қорхонаси ва ишлаб чиқарувчилар онлайн савдога жалб қилинган. Улар томонидан 15 мингта маҳсулот жойлаштирилиб, умумий қиймати 21,3 миллиард сўмга тенг қарийб 5 мингта товар сотилди. Шунингдек, платформа етказиб бериш фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлар ва сўғурта компанияларига ҳам хизмат кўрсатиш кўпмисли оширилганга қўшимча имкониятлар бермоқда.

Бугунги кунда банк мижозлар ҳоҳиш-истагидан келиб чиқиб, мазкур мобил илованинг веб-телефонини ишга тушириш арасида турибди. Банк, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини бир жойда бириктирган JOYDA иловаси тез орада компьютер куррилмалари орқали ҳам фойдаланиш мумкин бўлади. Шу кунларга режалаштирилган аниқлашлардан яна бири — масофадан турган ҳолда, JOYDA иловаси орқали банк хизматларига навбатга туриш хизматини жорий қилишдан иборат. Бу ечим ҳам бугунги шиддатли замонда мижозларга вақтдан ютиш имконини бериши билан аҳамиятлидир.

Бундан ташқари, Банк томонидан ахборот тизимидаги мавжуд процессинг дастурий таъминоти (ПДТ) ўрнига Open Way ПДТни ишга тушириш устида иш олиб бoрилмоқда. Ушбу лойиҳа доирасида Visa, Mastercard, UnionPay каби халқаро пластик карталарни эмиссия қилиш, уларга хизмат кўрса-

тиш, шу билан бирга JCB карталарига эквайринг хизматини кўрсатиш йўлга қўйлади.

Мазкур халқаро карталар асосида мижозлар ўтказмаларни бажариши, карта айланмасини онлайн кузатиб бoриши, лимитлар ҳамда чекловлар ўрнатиши ва бoшқариши, контактсиз тўловларни амалга ошириши, пин кодни алмаштириши, E-PIN-мижоз тизими томонидан мустақил равишда пин кодни шакллантириши, интернет тўловларини бажариши, савдо ташкилотларига электрон тижорат фаолиятини амалга ошириш сингари хизматлардан фойдаланиши мумкин бўлади.

Шу билан бирга, мазкур тизимни такомиллаштириш натижасида виртуал кредит карталар, мультивалютали карталарни муомалага чиқариш ҳам кўзда тутилган.

Айни пайтда банк тизимида барқарор даромад манбаларини аниқлаш, молиявий назоратни кучайтириш мақсадида “Бюджетлаштириш” дастурий мажмуасини жорий этиш ишлари ҳам олиб бoрилмоқда. Германиянинг SAP дастури асосида амалга оширилаётган 15 бoсқичли ушбу лойиҳанинг шу кунга қадар 9 та бoсқичидаги ишлар муваффақиятли якунланди. Лойиҳани жорий этиш банк молиявий стратегиясини ривожлантириш ва ресурс базасини мустаҳкамлаш билан бир қаторда мижозларга қўлайлик яратишда ҳам кўп имкониятлар бeради. Хусусан, банк маҳсулотлари ва хизматларининг ҳақиқий қийматини аниқлаш, мижозга йўналтирилган шаффоф банк маҳсулотлари яратилишини қўллаб-қувватлаш, банк маҳсулотлари таннархини пайсантириш ҳамда ҳам рентабелли банк маҳсулотларини аниқлаш ва уларни ривожлантириш йўналишларини белгилашнинг оптимал йўли юзга кeлади.

— Умуман, 2021 йилги устувор вазифаларимиз кўлами кенг, — дейди Бехзод Бозоров. — Жорий йилда операцион йўқотишлар ва кредит таваккалчиликларини пайсантириш имконини берувчи скоринг модели

ривожлантирилади, электрон савдо майдончаси кенгайтирилади (2021 йилда янги 500 та, 2022 йилда — 1000 та савдо-сервис қорхоналари ва ишлаб чиқарувчиларни жалб қилиш, маҳсулотлар турини 1 миллионгача етказиш кўзда тутилган), WAY4 карта процессини билан интеграциялашув лойиҳаси жорий этилади, электрон савдо майдончаси орқали ипотека кредитларини ажратиш йўлга қўйилиб, мижозларга банк офисларига бoрмасдан 20 йил муддатга банк кредитини расмийлаштириш ва қурилиш билан шуғулланувчи тадбиркорларга ўз харидорлари учун тайёр ечимлар таклиф этиш имконияти бeрилади.

Шунингдек, “090 картаси” лойиҳаси амалга оширилади. Истеъмолчи кредитларни 90 кунга “ноль” фoизларда олиш имконияти яратилади. Бу эса истеъмолчилар талабини ортишининг ҳисобига савдо-сервис қорхоналари ва ишлаб чиқарувчилар савдосини 20 фoизгача оширади.

Банк томонидан ўзини ўзи идентификациялаш тизимини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маълум қилинишича, масофавий идентификациялаш механизмининг амалиётга татбиқ этилиш натижасида банкда масофадан кўрсатиладиган хизматлар сонини ошириш имконияти янада кенгайди. Идентификациялаш биометрия асосида ривожлантириш йўналишида эса FaceID ва FingelD ёрдамида аниқлашни йўлга қўйиш операцион таваккалчиликларни пайсантириш имконини бeради.

Ўзсаноатқурилишбанкда бизнес жараёнларга ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш кўлами нисбатда кенг бўлиб, мазкур чора-тадбирлар Халқаро молия корпорацияси ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорликда олиб бoриладиган Банкни трансформация қилиш дастурининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Тоштемир МУРОД,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

БИЛАСИЗМИ?

ФУҚАРОЛАР ВА ЮРИДИК ШАХСЛАР
Конституциявий судга мурожаат этиши мумкин



Эндиликда, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни муайян ишда қўлланилган ва Конституцияга мувофиқ бўлмаган қонунда бузилган деб ҳисобловчи фуқаролар ва юридик шахслар Конституциявий судга мурожаат этиши мумкин.

Бунда, шикоятлар судда ҳимоя қилишнинг бошқа барча воситаларидан фойдаланиб бўлинган ва судда ишни қуриб чиқиш тугаган кундан эътиборан 1 йилдан кечиктирмай бeрилади.

Ишни қуриб чиқиш якунлари бўйича Конституциявий суд қонунни ёки унинг бир қисmini Конституцияга мувофиқ ёки мувофиқ эмас, деб топиш тўғрисида қарорлардан бирини қабул қилади.

10 МИНГ ҚАДАМ ЮРГАН
фуқароларга пул тўловлари тўланади



Ҳукумат қарори (253-сон, 28.04.2021 й.) билан “Соғлом турмуш тарзи” платформаси фаолиятини ташкил этиш, тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқланди.

Низомга мувофиқ, Ўзбекистон ҳудудида бир сутка давомида ўн минг ва ундан ортиқ қадам юрган 18 ва ундан юқори ёшдаги Ўзбекистон фуқароларининг платформадаги электрон ҳамёнига 3 минг сўмдан ўтказилади.

Ҳудудлар кесими бўйича энг кўп юрган шахсларга ҳар ойда:

- туман (шаҳар)да — 300 минг сўм;
- вилоятлар ва Тошкент шаҳрида — 500 минг сўм;
- Республика бўйича — 1 млн сўм қўшимча равишда платформадаги электрон ҳамёнига ўтказилади.

Платформада фуқароларнинг юрган қадамлари ҳисоби соат 00:00 дан 23:59 гача юретилади.

Мобил иловадан фойдаланиш учун фуқаролар Google Play Market ёки AppStore интернет дўконларидан мобил иловани юклаб олиши ҳамда Android операцион тизимида Google Fit, iOS операцион тизимида HealthKit иловаларини мобил қурилмаларига ўрнатиши лoзим.

Бунинг учун фуқаролар id.egov.uz сайти орқали рўйхатдан ўтиб, аутентификация ва идентификациясини амалга оширишлари лoзим.

ФУҚАРОЛАР

қуйидаги хизмат фаолиятида иштирок этиш ҳуқуқига эга

Қонунчиликка кўра, фуқаролар:

- ёнгин келиб чиққан тақдирда ўз соғлиғи ва мол-мулкнинг ҳимоя қилиниши;
- ёнгин тўғрисидаги аниқлашлар зарарнинг ўрни белгиланган тартибда қопланиши;
- ўз соғлиғига ва (ёки) мол-мулкига зарар етказган ёнгиннинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда шароитларини аниқлашда иштирок этиш;
- ёнгин хавфсизлиги масалалари бўйича белгиланган тартибда ахборот олиш;
- ёнгиндан сақлаш хизмати етиб келгунига қадар одамларни, мол-мулкни қутқариш ва ёнгинларни ўчириш юзасидан қоралар қуриш;
- ёнгинларни ўчиришда ёнгиндан сақлаш хизматиға кўмаклашиш;
- ёнгин хавфсизлигини таъминлашда, шу жумладан, қўнғилли ёнгиндан сақлаш хизмати фаолиятида иштирок этиш ҳуқуқига эга.

ҲАЙДОВЧИ

Маъмурий баённомага ўз фикрини ёзиши мумкин. Ҳуқуқбузар маъмурий баённоманинг мазмунини юзасидан баённомага ўз фикр-мулоҳазаларини ёзиб қўйишга, шунингдек, мазкур маъмурий баённомага имзо чекишдан бош тортиш сабабларини баён этишга ҳақиқидир.

Ҳуқуқбузар маъмурий баённомани имзолашдан ёки ёзма тушунтириш беришдан бош тортиш тақдирда баённомага бу ҳақда уни тузган шахс томонидан ёзиб қўйилади.

Бунда гувоҳлар ёки ҳолислар иштирокида дололатнома тузилади ва маъмурий баённомага илова қилинади.

Адлия вазирлигининг телеграмдаги “Huquqluq axborot” канали.

Фарҳод АЗИМОВ,
Тошкент шаҳар, Учтепа тумани,
Катта Қазни маҳалласи боғбони.

КУРАГИ ЕРГА ТЕГМАГАН ПОЛВОН



Бир кун Чорсудаги Жангоҳ мавзесида Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Афғонистон, Эрон, Туркменистондан келган курашчилар ўртасида беллашув бўлаётгани ҳақида Тошкентнинг Катта Қазни маҳалласида яшайдиган Абдуғани полвон Ҳақимовга хабар беришди. Айтилган жойга борса, Қозғистондан беллашувга келган полвон барча полвонларнинг курагини ерга текизган, яна полвонталаб бўлиб, давра айланиб турган экан.

— Мақталган полвонларнинг қани, каттагани бир қўрай дегандан, келмаляпти-ку? Ё полвоннинг зўридан қўриқиб қуён бўлиб қолдимиз-а! — деди қозқ полвони ҳайқириб.

Гурр этиб ён-атрофда йиғилганларнинг сурони янгради. Абдуғани полвонни қўриб, ҳамма ўрнидан туриб кетди, бу гал ҳайқирлиқлар садоси узоқ вақт давом этди.

— Сўраган экансиз? Мана мен келдим, — деди Абдуғани полвон қозқ полвонига ҳурмат-этиром билан қўришиш учун қўлини чўзиб.

Ҳар бир полвоннинг ўз полвонлик сир-синоати бўлади. Қозқ полвони Абдуғани полвонга менсимай бошдан-оёқ назар солди, кейин истаристамас унга қўл узатди. Ҳамма саломга алик қандай бўлишини кўтиб жим қолди. Даврага сукунат чўкди. Абдуғани полвон қозқ полвон билан қўришаётиб, омуврдек чайир қўли билан унинг қўлини маҳкам сидди. Қозғистонлик полвон тиззаси билан ерга чўккалаб, ҳайқириб юборди. Бу ҳолатни кўрган халойиқ шовқин-сурон билан қарсақ чалиб, ўз полвонларини олқишлади. Қозғистонлик полвон ўрнидан туриб, Абдуғани полвоннинг қўлини бандан кўтарди. Кейин пешонасига суриб, бош эгди. Ўз навбатида Абдуғани полвон уни қучиб, ҳурматини жойига қўйди.

Шундан кейин Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистондан келган юздан ортиқ ёш курашчилар Абдуғани полвонга шогирд тушишди, биргаликда жуда кўп мусобақаларда қатнашишди. Кейинчалик уларнинг кўпчилиги шу ерда яшаб қолишди. Ўзбек кураши мардлик, бағрикенглик, олижаноблик ва ҳалоллик тимсоли сифатида эъзозланиб келинган. У азалдан ўзбек миллати турмуш тарзининг узвий қисми бўлган. Буни археологик топилмалар, тарихий қўлёзмалар ҳам тасдиқлайди. Қадимги Бактрия (Ўзбекистон жануби) ҳудудида дуч келинган топилмада полвонларнинг кураш усулларини намойиш қилаётгани, сопол идишда полвонларнинг бири иккинчисини чалаётгани тасвирланган. Булар кураш аждодларимиз турмуш тарзининг бир қисми бўлганидан далолат бeради.

Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асарига, Махмуд Қошғарийнинг “Девону луготит турк”, Алишер Навоийнинг “Ҳамса”, “Ҳолоти Пахлавон Мухаммад”, Зайниддин Восифийнинг “Бадоъу-л-вақоъ”, Хусайн Воиз Қошифийнинг “Қутуват-номаи султоний”, Заҳриддин Мухаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарига кураш ҳақида қимматли маълумотлар бор.

Бугунги кунда “кураш”, “халол”, “таъзим”, “тўхта” ва “ёнбош” каби атамалар халқаро спорт лугати таркибидан мустаҳкам ўрин эгаллади. 1998 йил 6 сентябрда таъсис этилган Кураш халқаро ассоциацияси бугун сайёраимизнинг бешта қитъасидаги 129 та миллий федерацияни бириктирган. Ўзбек кураши тарихида илк бор XVIII ёғи Осиё ўйинлари дастурига расман киритилди, IKA ва Ўзбекистон Республикаси келгусида Олимпия ўйинлари дастурига ҳам киритиш бўйича фаол тадбирларни амалга ошираётти. Ўзбек кураши бўйича ёшлар ва катталар ўртасида Ўзбекистон биринчиликлари ўтказилмоқда, Жаҳон чемпионатиға тайёргарлик қўрилмоқда.

Дунёда полвонлар кам эмас. Қайси қишлоқда бўлмани, шу жойнинг атоқли полвони бўлади, уларнинг доғруғи асрлардан асрларга, авлодлардан авлодларга ўтаверади. Пахлавонлар табиятан мард, бағрикенг, эл қорига ярайдиган кишилар бўлади. Уларнинг яхши сифатлари, одамларга қилган яхшиликлари нақлларга сабаб бўлади. Шундай бўладики, полвон номи айтилганда нафақат у мансуб бўлган қишлоқ, балки бутун бошли туман, вилоят ҳам тушунилган. XX аср бошларида ўзбек пахлавонлари орасида Тошкентнинг Катта Қазни маҳалласидан етишиб чиққан Абдуғани полвон ўзининг енгилмаслиги, бағрикенглиги ва одамийлиги билан ажралиб турган.

Абдуғани полвоннинг отаси Абдуҳақим чавандоз бўғи Туркистон, бошқа томони Тожикистон, Афғонистонгача бўлган музофотларда машхур бўлган. Улоқ, кўпқари мусобақалари ўтказила-

диган бўлса, уни албатта таклиф этишган. Абдуҳақим чавандоз кўп вилоятларда ва қўшни республикаларда улоқ чоғиб, доим маррага биринчи бўлиб етиб келган. Улоқ чоғиб, ютиб келган қўй-чэки ва мол-ҳолларни маҳалладаги камбағалларга ва муҳтож оилаларга тақсимлаб берган. Маҳаллада ўтказиладиган барча ҳашарларда қатнашиб, кўпларнинг огирини енгил қилиб келган инсонлардан бири бўлган. Абдуҳақим чавандознинг опти ўғил ва бир қизи бўлган. Унинг ота-боболари чорвачилик, деҳқончилик ва турли касб билан машғул бўлишган, ҳалол меҳнат билан ўз ризқ-рўзини толган. Уларнинг сулоласидан Алпомишдай алплар, мардона полвонлар, ажбир чавандозлар етишиб чиққан. Тўй курашларда елкаси ерга тегмаган, орият ва гурулни биринчи ўринга қўйишган.

Оиланинг иккинчи фарзанди Абдуғани полвон Ҳақимов 1894 йилда туғилган. Болалик чоғларидан спортнинг кураш турига қизиқиб, ҳар хил йиғин ва давраларда кураш тушган, доим биринчилиги олиб келган. Отасидан улоқ чоғишни ўрганган. Вақти-вақти билан улоқ чоғишга ҳам бoриб турган. У елкаси ерга тегмагани учун болалик пайтлариданоқ Абдуғани полвон деган ном олган.

Кураш ҳалол, ҳеч бир қўроқсиз, фақат кучга таянганда ҳолда амалга оширилган. Мағлуб бўлган баҳодир енгилганини мардларча тан олган. Абдуғани полвон давраларда катта ҳурмат билан қутиб олинган. Унга ҳурмат сабаби фақат жисмоний кучга эҳтиром нишонаси бўлиб қолмай, эл муҳофазаси билан боғлиқ бўлган ижтимоий-сиёсий оимилларга дахлдор бўлган. Уйин қоидаларини бузиш, номардлик қилиш мисли қўрилмаган тубанлик ҳисобланган.

Абдуғани полвон бир вақтини бўш ўтказмасди, меҳнат қилиб чарчамасди. Қаровсиз ётган ерларни обод қилиб, чорва моллари параваришини ўрнига қўярди. У ҳам отасининг изидан бoриб, курашдан тушган ютуқларини камбағалларга улашган. Абдуғани полвон Ҳақимов йигирма бир ёшида Мастоно исмли қизга уйланади. Бир ўғил ва бир қиз фарзанд қўради. Ўғлиға Абдуҳақим, қизига Тўтиниса деб исм қўяди.

Халоллиги, меҳнатқашлиги тўғрисида ҳудудда истиқомат қиладиган маҳаллий аҳоли уни Алишер Навоий қолхозига раис этиб сайлашади. Абдуғани полвон одамларнинг бошини бириктириб, уларга белгиланган режадан ташқари тирикчилик қилиши учун оз-оздан ер ажратиб бeради. Натижада қиска фурсатларда қолхозда деҳқончилик ва чорвачиликда катта муваффақиятларга эришилади, одамларнинг турмуш тарзи яхшиланади. Абдуғани полвон раҳбарлик қилган жамоа ҳўжалиги ҳар йили белгиланган режаларни ошиги билан бажарган. Деҳқонлар

бир-бири билан ака-укадай аҳиликда меҳнат қилишган. Абдуғани полвон олинган даромаддан Катта Қазни маҳалласида болалар таълим-тарбияси учун мактаб ва аҳоли учун маданий дам олиш маскани — клуб қурдиранди.

Абдуғани полвондаги иқтидор ва одамларни орқасидан эргаштира оладиган лаёқат сабабли уни Бекобод туманидаги қолоқ жамоа ҳўжалиғига раҳбар қилиб юборишди. У ўша ерда зотдор бир от сотиб олиб, улоқ ва кўпқариларда қатнашади. Доим совринли ўринларни олади. Лекин нимадир бўлиб, отни сўйишга тўғри кeлади. Шундан кейин одамлар орасида: “Абдуғани полвоннинг отини сўйишганида ичидан қаноти чиқибди. Шунинг учун унинг оти учар экан-да”, деган гап тарқалади.

Абдуғани полвон Тошкентга қайтиб келгандан кейин яна кўп йиллар жамоа ҳўжалигини бошқарди. Иккинчи жаҳон уруши бошланган пайтда у раҳбарият йўлланмаси билан Сирдарё туманига қарашли Ильич қолхози иқтисодиётини қўтаришга сафарбар қилинган эди. Қолхоздан қайиб ўз қиши урушга қачирилганда, Абдуғани полвон ҳам ўз ихтиёри билан фронтга отланади. Уни қолхозда қолдиришга қанчалик уринишса-да, рози бўлмайди. “Менинг жамоам урушга кетаётган бўлса, қандай қилиб қолганим мумкин? Улардан ажралиб қолиш номарднинг иши бўлади”, дейди. Орадан йиллар ўтиб, уруш ҳам тугайди, лекин Абдуғани полвондан дом-дарак бўлмайди. У билан фронтда бирга бўлган, урушдан омон қайтган инсонлар Абдуғани полвонни таърифлашганида шундай дейишарди: “У жанга кирганида доим олдинга интилган, шундай бир инсон эдики, ўлимдан қўрқмасди. Доим ғалабани бирга нишонлаймиз, дер эди”.

Ўзбек курашини янада ривожлантириш мақсадида 2017 йилнинг 2 октябрида Президентимиз томонидан қабул қилинган қарор биланри жауда қувонтирди. Бу қарор Абдуғани полвонлардек юртимизда яшаб ўтган номдор полвонларнинг хотирасини абадийлаштириш, улар номида спорт мусобақаларини ташкил этиш имконини бeради.

Гарчанд орадан бир асрдан зиёб вақт ўтган бўлса-да, Абдуғани полвон номи ҳозир ҳам давраларда ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олинади. У ўзбек миллий спорти — кураш, унинг оммалашини, халқаро майдонга чиқиши ва оламшумул ютуқларга эришишиға умрини бағишлаган инсон сифатида хотирамизда абадий сақланиб қoлади.

МУРОЖААТНОМА

Ортимизда, тоғдек таянч ва суянч бўлиб турган кўпмиллатли халқимиз – ҳаёт йўлларида тўғри йўл кўрсатадиган мўътабар нуронийларимиз, меҳнаткаш, оқила опа-сингилларимиз, илғор ва замонавий фикрлайдиган, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган азму шижоатли ёшларимиз бор.

МУНОСАБАТ

ИНСОН — АЗИЗ, ХОТИРА — МУҚАДДАС

Инсоният бу йил фашизм устидан қозонилган буюқ Ғалабанинг 76 йиллигини нишонлашни арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2021 йил 20 апрелда 2 та ҳужжат, яъни "Хотира ва қадрлаш кўнига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор ҳамда "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида" фармон имзоланди.

Мазкур фармон билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг ҳар бирига 12 миллион сўмлик пул мукофоти берилди. Айтиш кераки, уруш қатнашчиларини бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантириш 2017 йилдан тикланди. Уша йили мукофот пули 2 миллиондан топирилган бўлса, ўтган 4 йил ичида бу маблағ олти марта баъза ошди. Қолаверса, оммавий ахборот воситаларида мутасаддиларнинг ташаббуси билан уй-жойга эҳтиёжманд Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига янги уй берилгани ҳақида хабарларни ҳам учратамиз. Ёки 2017 йили уруш қатнашчиларининг истақлари асосида улардан 72 нафари муборак Ҳаж зиёратига юборилди. Буларнинг барига ўз вақтида дунёга тинчликни таъмин этган бўлаларимиз ва бувиларимизга янги Ўзбекистонда бўлаётган эъзоз ва эътиборнинг амалий ифодаси сифатида қараш керак.

Президент қарори билан тасдиқланган бу йилги Хотира ва қадрлаш кўни умумхалқ байрамига бағишланган тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш дастурида ёлғиз ва кам таъминланган уруш қатнашчиларининг турар жойи ва уй ҳўжаликлари таъмирлаш, ободонлаштириш, уруш қатнашчилари ва ногиронларининг ҳар бирига тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш мақсадида уларни доимий равишда патронаж хизмати билан қамраб олиш, уларнинг истақлари асосида санаторийларга бепул юбориш каби чора-тадбирлар белгиланди. Шунингдек, уруш қатнашчиларига, фронт орти меҳнат фахрийларига, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳўкуми муҳофаза қилиш органлари ходимларининг оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш мақсадида вазирликлар, идоралар, ташкилотлар ҳамда ҳарбий қисмлар раҳбарлари томонидан уларнинг яшаш жойига ташрифлари ташкил этилмоқда. Мазкур тадбирлар "Эътибор ва ғамхўрлик – инсоний бурч" шiori остида ўтказилмоқда.

Амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг бошқа бир қисмини "Хотира бор экан – миллат барҳаёт" деган шior бирлаштиради. Иккинчи жаҳон уруши дахл этмаган бирон ҳонадон, бирон-оила бўлмаган. Шу сабабдан тарихан қисқа бу даврда бувиларимизнинг жасорати ва иродаси, бувиларимизнинг олижаноблиги ва матонати авлодлар учун муқаддас хотира ва инсонпарвар-

ликнинг юксак намунаси бўлиб қолади. Қолаверса, инсон ўз оиласи, бува-бувиларининг буюқ Ғалабада бевосита ёки билвосита ҳиссаси борлигидан фахрланади, албатта. Уша вақтда ўзбекистонликлар юртимизга фашизм балосини яқинлаштирмаслик мақсади, инсон – олий қадрият деган қараш билан қўлларига қурол олишди.

Сўнгги йилларда уруш даврида халқимиз кўрсатган жасорати, олижаноблиги, матонати ва иродасини абадийлаштириш йўлида қатор ибратли ишлар амалга оширилди. 2020 йили "Ғалаба боғи" ёдгорлик мажмуаси ва унинг таркибида "Шон-шараф" давлат музейи очилди, биринчи бор «Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўлган ҳиссаси» номли китоб-альбом чоп этилди, "Илҳақ", "101" бадиий фильмлари, "Халқ жасорати" ҳўжатли фильми суратга олинди, адабиётда ҳам янги асарлар чоп этилди. 2020 йил 9 май кўни бўлиб ўтган тантанали маросимда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан янги тарихий маълумотлар эълон қилинди.

Шу билан бирга таъкидлаш кераки, амалга оширилаётган ишлар фақатгина маълум бир юбилей доирасида бўлиб қолаётгани йўқ. Балки булар доимий олиб борилишига эътибор берилмоқда. Хусусан, Президентимиз томонидан 2020 йил 9 сентябрда «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилинди. Келажак авлод учун архив ҳўжатлари ва ашёларни сақлаб қолиш мақсадида қабул қилинган мазкур қарорда Ўзбекистон халқининг буюқ ғалабага қўлган муносиб ҳиссасини илмий асосда ўрганиш вазифаси қўйилди.

Албатта, ўз вақтида тарихчи олимлар, фронт журналистлари, уруш қатнашчилари бўлган зиёлилар томонидан бу йилларда халқимизнинг жасорати ва фронт орти ҳаётини ўрганиш бўйича қатор тадқиқотлар амалга оширилди, китоблар чоп этилди. Амалга оширилган ишларни эътироф этган ҳолда уруш даврининг у ёки бу масаласини ўрганишнинг давом эттириш кераклигини таъкидлаш ўринли. Зеро, ўз вақтида қўллаб қўллаш мақсади буйича ҳисобланганлигини ҳам назарда тутмоқ зарур. Ҳозирда "Узархив" агентлиги ташаббуси билан уруш йилларига оид ҳўжатларнинг махфийликдан чиқарилиши бошланди.

Агар бирон бир ҳўдуд қисмида юртдошларимизнинг қаҳрамонликлари кўриб чиқилса, бу масала янада оидинлашади. Хусусан, Брест қалъаси мудофаасида қатнашган ўзбекистонликларнинг номларини турли маълумотлар асосида рўйхати тузилса, ўттиздан ортинки ташкил этиши мумкин. Аммо, "Қаҳрамон Брест қалъаси" ёдгорлик мажмуаси илмий котиби Елена Харичкованинг қайд этишича, 1940 йил қўзида Самарқанд шахрининг ўзидан Брест областига ҳар-

бий хизматга қақирилганлар сони 519 нафар бўлган. Демакки, бу борада ҳам ҳали ўрганишни, уларнинг номларини аниқлаш ишларини олиб бориш зарур. Қолаверса, бу уруш бошланган кўн – 22 июнда армия хизматида бўлган минглаб ўзбекистонликлар турли ҳўдудлар мудофаасида иштирок этганини кўрсатади. Днепр дарёсини кечиб ўтишда Совет Иттифоқи Қаҳрамони Абдулла Қўрбоннинг катта ҳиссаси борлигини ҳам ҳаммамиз яхши билмаймиз. Унинг душман қучлари жойлашуви ҳақида муҳим маълумотларни келтириши ҳал қилувчи жанговар операция бошланишига замин бўлди. Бу борада мисолларни қўллаб келтириш мумкин.

Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ёки бедарак йўқолган ҳар бир инсон ҳақида маълумотлар билан танишганда, уруш туфайли қанчадан-қанча юртдошларимизнинг орзу-интилишлари, эзгу мақсад-ниятлари амалга ошмай қолганини ҳис этасиз. Бу ўз навбатида халқ, мамлакат, қолаверса, башар учун катта йўқотиб бўлган. Кичик бир мисол. Ўзбекистон маданият ҳаёти уруш йилларида Қобилқори Сиддиқов сингари оптин овозидан айрилди. Бугун ана шундай инсонларни ҳам ёдга олмоғимиз зарур.

Йўқотишлар қўлами оилалар миқёсида ҳам ёрқин намоён бўлади. Хусусан, Зулфия ая Зокирова мисолида беш фарзандини бағрига босолмаган матонатли бувиларимиз тисмоли қўз олди-миқда келади. Уруш йилларида ана шундай ташвиш бошқа оилада ҳам содир бўлган. Ака-укалар Ҳаким, Раҳим, Ҳайдар, Ҳабиб ва Анвар Иброҳимовларнинг номлари Тошкент шаҳридаги 64-мактаб ҳудудида жойлашган ёдгорликка қайд этилган. Ҳозиргача аниқланган маълумотлар оиланинг ҳаёти Самарқанд, Бухоро, Термиз, Тошкент ва Москва шаҳри билан боғлиқ бўлганлигини кўрсатади. Бу оила ҳақида маълумот қидириш ишлари ҳали давом этмоқда. Бу мисоллар урушда бутун бир оилалар йўқ бўлиб кетганлигининг ёрқин далилидир...

Янги Ўзбекистонда Иккинчи жаҳон уруши мавзусига алоҳида эътибор берилиши натижасида хорижда ҳам ватандошларимизнинг қаҳрамонликлари масаласи бўйича муайян ишлар амалга оширила бошланди. Хусусан, Беларусда "Барча учун ғалаба бир: Беларус – Ўзбекистон", Италияда Қаршилик кўрсатиш ҳаракатида иштирок этган Аҳмаджон Мамажонов фаолияти кенг ёритилган "Қалб амира билан. Алуан қаршилиги ва совет партизанларининг ҳиссаси" ва бошқа китоблар чоп этилди, бедарак йўқолган ватандошларимиз ҳақида ҳам янги маълумотлар аниқлаб боришмоқда.

Шу билан бирга хориж мамлакатлари архивлари, музейларида сақланган ҳамда ўзбекистонликларнинг Иккинчи жаҳон урушида иштирокига оид ҳўжатлар ва материалларни аниқлаш ишларини давом эттириш зарур. Бунда фақат



хориж мамлакатларининг марказий музейларидагина ўзбекистонликлар ҳақида маълумотлар мавжуд деб қарамаслик керак. Сабаби, мактаб музейлари, район архивларида ҳам маълумотлар сақланади. Масалан, Беларус ҳудудидаги "Учкўн" ("Искра") отрядида фаолият кўрсатган партизан Ғанитой Тошнйёзовга оид қимматли маълумотларни Минск области Кленник бопалар боғчаси-таянч мактаб ўқув-педагогик мажмуасининг музейи экспозициясидан ўрин олганлигини қайд этиш мумкин.

2019 йилнинг декабрида Ўзбекистон делегацияси таркибига Москвага сафарга борганимда Қуролли Қучлар Марказий музейи ходимларидан ХХ асрнинг 70-йилларида мазкур музей советининг аъзоси, уруш қатнашчиси В.Липатовнинг 1975 йилда эълон қилинган мақоласига таянган ҳолда Рейхстаг штурмининг қатнашчиси, Ғалаба байроғи ўрнатилганда иштирок этган юртдошимиз Исмоил Тулаганов ҳақида материал сурадим. Лекин бундай маълумот мавжуд эмаслиги аниқланди. Айтишларича, музейда бир вақтлар ёнгин содир бўлиб, фонда сақланаётган айрим ашёларга зарар етган экан. Бу мисоллар юртдошларимиз ҳақида маълумотларни аниқлаш ҳамда тўллаш масаласи долзарб эканлигини кўрсатади. Мазкур мулоҳазалар уруш йилларида халқимиз кўрсатган жасорати, олижаноблиги, матонати ва иродасини абадийлаштириш йўлида қилиниши керак бўлган ишлар қўлами катталигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хотира ва қадрлаш кўнига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори доирасида ҳам кенг қўламли тадбирлар амалга оширилаётганлигини ҳам таъкид этиш жоиз. Бу йил вафот этган уруш ва меҳнат фахрийлари, шунингдек, хизмат бурчини бажарётганда ҳалок бўлган юртдошларимизнинг қадрларини обориш давом эттириш ишлари олиб боришмоқда.

Уруш қатнашчилари ва фронт орти фахрийлари ҳамда уларнинг қаҳрамонликлари ҳақида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ташаббуси билан "Хотиралардан ўрин олган тарих" китоби тайёрланади, "Уруш хотираларда" икхдий ишлар кўрик-танлови ташкил этилади. Тошкентда биринчи бор "Марказий Осиё халқлари тарихи ва хотирасида Иккинчи жаҳон уруши: воқеалар, иштирокчилар, рамзлар" мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди.

Шунингдек, таълим муассасаларида "Мардлик, бурч ва садоқат" мавзусида ҳарбий-ватанпарварлик дарслари ўтказилмоқда. Албатта, барча тадбирлар пандемия шароитида карантин қоидаларига риоя қилинган ҳолда ташкил этилмоқда.

Дарҳақиқат, Ватан ўтмиши ҳамда бугунги дахлдорлик инсонни эзгу ишларга ундайди. Қаҳрамонларнинг жасорати ва ҳаётига оид ёрқин мисоллар ёшлар учун ибрат намунаси бўлиб, уларга ҳаётини масалаларга ҳулоса чиқаришга ёрдам беради. Интернетнинг салбий таъсиридаги маънавий йўқотишларимизнинг олдини олишга, демакки, маънавий иммунитетни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шу ўринда Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик марказ халқимизнинг уруш йиллари билан боғлиқ шонли тарихини ўрганиш юзасидан ташкилотлар, олимлар, уруш қатнашчилари, фахрийлар ҳамда уларнинг оилалари билан ҳамкорлик қилишига тайёргарлигини маълум қилади.

КОЗИМХОН САГДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси ҳузуридаги
Ўзбекистоннинг энг янги
тарихи масалалари бўйича
Мувофиқлаштирувчи-методик марказ
директори в.б., саноатшунослик
фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD).

Республика Маънавият ва маърифат маркази «Маърифат» тарғиботчилар жамияти томонидан «Маънавият фестивали»ни ўтказиш йўлга қўйилганидан кўпчиликлнинг хабари бор. Мазкур фестивал илк бор 2019 йилда республикамизнинг барча ҳудудларида ташкил этилган. Ўндан ортиқ лойиха ҳаётга татбиқ қилиниб, кўпчиликлнинг оғзига тушгани ҳам рост. 2020 йилда пандемия сабабли фестивални кенг миқёсда ўтказишга имкон бўлмади. Жорий йилда эса миллийлик ва замонавийлик омухталанган «Маънавият фестивали»ни кўтаринки руҳда ўтказиш учун махсус ишчи гуруҳ ташкил этилиб, катта тайёргарлик ишлари олиб боришмоқда.

Бугунга келиб ишчи гуруҳ Тошкент, Наманган, Андижон ҳамда Фарғона вилоятларида бўлиб, соҳа вакиллари билан фикр алмашди.

ЯНГИ ҒОЯЛАРГА АСОСЛАНГАН ФЕСТИВАЛЬ

— Ҳеч бир ишга юзаки ёндашиб бўлмайди, аиникса, у маънавият масаласига боғлиқ бўлса, — деди «Маърифат» тарғиботчилар жамияти раиси Бахтиёр Хусанов. — Биз шундагина ўзимизни қўзлаган ва кутган натижага эриша оламиз, деб ўйлайман. «Маънавият фестивали»ни ташкил этишда ҳам шу тамойилга амал қилдик. Энг аввал ҳудудларда пухта ўрганиш ишларини олиб бориб, шу асосда қайси лойиха қайси ҳудудда иш беришини аниқлаб олишни лозим топдик. Тошкент вилоятида бўлиб, тарғиботчилар, зиёлилар билан кенашганимизда, тўғри йўлни танлаганимизга яна бир бор амин бўлдик.

Айтиш кераки, бу галги фестиваль доирасида «Янги Ўзбекистон» — янги ренессанс сари!», «Маърифат улашиб», «Янги Ўйганиш даври китоб ва кутубхоналардан бошланади», «Бир зиёли – бир маҳаллага маънавий ҳомий», «Менинг фарзандим Ўзбекистон фахри», «Мақом кечалари» каби ўнлаб байрам тадбирлари, маданият, маънавий-маърифий учрашувлар, давра суҳбатлари, хайрия концертлари ўтказилади. Етти ёшдан етмиш ёшгача аҳоли вакиллари қамраб олинади.

— Республика ишчи гуруҳи ташаббуси билан «Маънавият фестивали»ни кўтаринки руҳда ўтказиш мақсадида ташкил этилган семинар менда катта таассурот қолдирди, — дейди Наманган давлат университети психология кафедраси доценти, «Маърифат» тарғиботчилар жамияти раҳбари Мўътабар Мақсудова. — Айтишим кераки, зиммамизга катта масъулият юкланганини яна бир бор ҳис этдим. Бу бўйича режалаштираётган иш ҳамда келгусидаги фаолиятим қандай бўлиши кераклигини чуқурроқ ўйладим. Бу ҳис фақат мендан ўтмаётганини семинар давомида иштирокчиларнинг қўзига қобиқ ҳам ҳис қилдим.

Фурсатдан фойдаланиб, ўз тақлифларимни билдирмоқчиман. Икки йил давомида вилоят Оила маркази бошқарма бошлиғи сифатида фаолият юритдим. Шу вақт давомида ҳар қандай тушунмовчилик, келишмовчиликлар оиладаги муҳитга боғлиқлигини билдим. Ҳар бир мукаддас қўрғон аъзолари қўлига китоб тутса, дунёқарашни кенгайтирди. Фикр ва шукур қилишга интилади. Ишончим қомилки, шундагина муаммонинг илдиизига болта урилади.

Республика ишчи гуруҳи Андижон вилоятида ҳам бўлиб, янги тарғиботчилар, вилоят шахар-туман маънавият ва маърифат бўлинмалари ходимлари билан учрашди.

— Фестиваль олдидан ОАВ, ижтимоий тармоқлар орқали тарғибот ишларини қучайтиришимиз зарур, — деди «Маърифат» тарғиботчилар жамияти аъзоси Бахтиёр Мўминов. — Ўйлайманки, ана шунда фестиваль шамолли ҳар бир қўнғилга етиб боради. Қолаверса, маънавият, маърифат, одоб ва миллий қадриятларга оид ижтимоий роликлар томошабинларни, тингловчиларни ўзига жалб қила олади. Бунда визуаллик борлиги ҳам берилаётган ахборотнинг тез «ҳазм қилинишига» олиб келади. Айтишим керакики, бундай хайрли ишларда соҳа вакилларига ёрдамим тегаётганидан хурсандман.

ИЛМ-МАЪРИФАТ ТАРГИБОТИ



Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Механика факультетининг "Материалшунослик" кафедраси мудири, профессор Файзулла Норхўдаев бошчилигида маънавий-маърифий тарғибот ишларини ташкил этиш мақсадида Тошкент вилояти Зангиота туманининг 17-секторига бириктирилган Уртаовул МФЙда аҳоли билан учрашув ўтказилди. Унда Олий Мажлис қонунчилик палатаси қошидаги Ёшлар сиваси парламент раҳбари, Зангиота туманининг 17-округидан депутат С Маҳмудова ҳамда Самарқанд ветеринария тиббиёт институтининг Тошкент вилоятидаги филиали психологи Р Халимметовлар иштирок этди.

Илгиллиша профессор Файзулла Норхўдаев маҳалла фуқароларига маҳаллабай ишлаш тизими мазмун-моҳияти тўғрисида маълумот берди. Уюшмаган ёшларни илм ва касбга йўналтириш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, маънавий-маърифий тарғибот ишларини ташкил этиш бўйича тақлиф ва тавсиялар билдирди.

Жамшид АМИРОВ,
ЎзЖОКУ талаваси.

КУТУБХОНАЛАРДА

НЕГА КИТОБХОН ЙЎҚ?

Кутубхоналар
фаолиятининг талаб
даражасида йўлга
қўйилиши аҳолининг
барча қатламларини
ахборот ресурслари
орқали маданият-тарихий
меросдан баҳраманд
бўлишини таъминлайди.
Ахборот технологиялари
миллий маънавий-ахлоқий
қадриятларни кенг
тарғиб қилиш ва
ёшларни маърифатли,
маънавияти етук ҳамда
баркамол шахс сифатида
тарбиялашга хизмат
қилади. Ахборот-кутубхона
муассасалари шахснинг
умуммаданият даражасини
ошириш, маънавиятини
юксалтириш, маънавий
қадриятларнинг қарор
топишида катта роль
ўйнайди.

Афсуски, айрим ахборот-кутубхона муассасалари меъёрий-ҳуқуқий базасининг заифлиги, ахборот-кутубхона фондларининг жалпчилиги ва техник жиҳозланиши етарли эмаслиги, ахборот-кутубхона ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш даражаси пастлиги китобхонлик соҳасини ислоҳ қилишда салбий оқибатларни юзага чиқармоқда.

Президентимизнинг китоб махсусотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб муталааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш ахборот кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш бўйича бир неча қарор ва фармойишлари эълон қилинди.

Уларга қўра, мавжуд ахборот-кутубхона муассасаларининг аҳоли кенг қатламларига хизмат кўрсатиши зарурлигидан келиб чиқиб, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар бўйича жойлашши ва бўйсунуш тартибини қайта қўриб чиқиш, фаолияти ҳамда ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш, аиникса, ахборот-ресурс марказлари фондларини шакллантиришда, ўқув-адабиётлари билан бир қаторда бадиий, маърифий, илмий-оммабоп адабиётлар рўйхатини ҳамда уларни харид қилиш бўйича харажатлар сметасини қайта қўриб чиқиш белгиланган эди.

Орадан қарийб 5 йил ўтган бўлишига қарамастан, Самарқанд шахрининг Сертепа маскани, 17-А" манзилида жойлашган биринчи ахборот-ресурс марказидаги аҳолини бугунги кўн талабига жавоб берадиган зиё масканларидан деб бўлмайдими.

Марказдаги компьютерлар, факс аппаратлари ишламаётганлиги, интернет тизимига уланмаганлиги, бинонинг таъмирга муҳтожлиги бу масканга эътибор йўқлигидан дарак беради.

Маданият вазирлигига қарашли, қарийб 100 мингга яқин китоб фондига эга бўлган мазкур ахборот-ресурс марказида штатлар сони илгари 10 тани ташкил қилар эди. Бугунга келиб, 9 та штат бирлиги қисқариб кетди. Муассаса ҳозирги кунда тўлиқ ишламаяпти ва ёпилиш арафасига келиб қолган.

Бундан ташқари, Толмасов кўчаси, 52-уйда жойлашган, қарийб 20 минг китоб фондига эга бўлган АРМ штатлар қисқартирилиши муно-

сабати билан ёпилди. 8833 та китоб фондига эга бўлган, Оғаҳий кўчаси, 34-уйда жойлашган кутубхона фаолияти штатлар қисқартирилиши натижасида ёпилиш арафасида турибди. Баъзи АРМларда ойллик маош қамлиги боис ишчи-ҳодимлар ишдан бўшаб кетаяпти.

Самарқанд шаҳридаги Гагарин кўчасида узоқ йиллардан буюн фаолият юритиб келаётган кутубхонанинг ҳозирги муаммосини қучли билимдонлар ҳам еча олмас керак. Ҳамма гап шундаки, 2019 йилнинг ёзида ушбу бино ёшлар кутубхонасига айлантирилди ва ҳатто ўз фаолиятини қайта бошлаши учун кутубхонага 10 мингга яқин янги китоб келтириш ваъда қилинган эди. Ишининг бу йўсунда ижобий ташкил этилиши кутубхона ходимларида ва унинг юзлаб аъзоларида умид уйғотди.

Бироқ ўтган давр мобайнида на ваъда қилинган китоблардан ва на бошқа нашрлардан дарак бўлди. Бу орада ўнга яқин ходимлар ўз вазифаларидан озод қилиниб, муассаса эшигига қулф осилди. Катта маблағ сарф қилиниб, таъмирланган, шаҳарнинг қўқ марказида жойлашган бу бино ҳозир Самарқанд шаҳар "Баркамол авлод" болалар мактабига айлантирилди. Унда 10 га яқин пулли тўғарақлар ташкил этилди. Катта кутубхона шу тариқа ўз фаолиятини тўхтатди-қўйди.

Бугун Самарқанд шаҳрида катта бунёдкорлик ишлари олиб боришмоқда. Баланд ошёли бинолар, қўзларни қамаштирадиган ажабтовур қошоналар, шарқ ҳамда гарб бичимида қурилган базмоқхоналар меҳмонхоналар ўз мижозлари билан гавжум. Агар кутубхоналар ҳам шундай бўлганида, ўша маконлардан кам бўлмаган даражада китобхоналар, маърифатпарварлар билан гавжум бўлмасмиди?

Бахтиёр ШАРИПОВ,
журналист.

Махлиб АЛИКУЛОВА

МУРОЖААТНОМА

«Навоийазот» да аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш комплекси ҳамда азот кислотаси заводи, Муборак, Газли ва Шўртан нефть-газ корхоналарида суюлтирилган газ ишлаб чиқариш қурилмалари, Тошкент металлургия заводи каби йирик қувватлар ишга туширилди.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

«QIZILQUMSEMENT» акциядорлик жамияти

ЮКСАЛИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

Корхона фаолияти давомида маҳсулот турларини кўпайтириш, истеъмолчилар талабларини қондириш мақсадида юқори сифатли цемент ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, замонавий ва энерготехжамкор технологияларни амалиётда кенг татбиқ этиш борасида қатор самарали лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда.

Хусусан, 2018 йил Чехия давлатининг «PSP Engineering» компаниясида ишлаб чиқарилган VTP 2700 русумли замонавий сепаратор қурилмасини ўрнатиш ҳамда цемент майдалаш жараёнини ёпиқ усулга ўтказиш орқали 7-цемент тегирмонинг модернизация қилиш лойиҳаси бажарилди. Лойиҳа натижасида юқори мустаҳкамликка эга цемент турлари ишлаб чиқариш ҳажмини ҳамда цемент тегирмонининг ишлаб чиқариш қувватини 15 фоизгача оширишга эришилди.

2019 йил 8-сонли цемент майдалаш тегирмони қурилиши лойиҳаси ўзлаштирилди. Натижада корхонанинг цемент ишлаб чиқариш қуввати 500,0 минг тоннага оширилди.

2021 йилнинг 1-чорагида цемент тегирмонига Хитой давлатининг «Sino Cem tech international Engineering Co. Ltd» компаниясида ишлаб чиқарилган SLK 3000 русумли замонавий, юқори самарадор сепаратор қурилмасини ўрнатиш орқали ёпиқ циклда цемент майдалаш тизимини жорий қилиш инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Бунда цементни майдалаш жараёнида электр энергияси солиштирма сарфини 15 фоизгача камайтириш, тегирмон ишлаб чиқариш қувватини 15 фоиз микдорида ҳамда юқори мустаҳкамликка эга цемент турларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имкониятларига эришилди. Юқорида кўрсатилган лойиҳалар корхонанинг ўз

маблаглари ҳисобидан амалга оширилди. Лойиҳа доирасида пудратчи томонидан технологик ускуналарни етказиб бериш ҳамда шеф-монтаж ишлари амалга оширилди. Қурилиш-монтаж ишлари эса корхонанинг ўз ишчи кучи билан бажарилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирларида «Qizilqumsement» АЖда клинкер ишлаб чиқариш 4-технологик тармоғини ташкил этиш лойиҳаси кўрсатилган. Вазирлар Маҳкамасининг «Qizilqumsement» АЖда клинкер ишлаб чиқариш бўйича тўртинчи технологик линияни қуриш инвестиция лойиҳаси техник-иқтисодий ҳисоб-қитобининг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори асосида ҳозирги кунда 4 клинкер ишлаб чиқариш технологик тармоғи қурилиши лойиҳасини амалга ошириш устида ишлар олиб борилмоқда. Лойиҳани амалга ошириш натижасида портландцемент клинкери ярим тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 1 млн. 800 минг тоннага, цемент ишлаб чиқариш ҳажмини камида 2 млн. тоннага ошириш, ҳамда энергоресурслар сарфини сезиларли камайтиришга эришиш назарда тутилган. Ҳозирги кунда лойиҳа доирасида қурилиш ва ускуналарни тайёрлаш ишлари олиб борилмоқда.

Корхонада ходимларни рағбатлантириб бориш ҳам яхши анъанага айланган. Ишчи-ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор имтиёз ва кафолатлар белгиланган. Ўз хизмат вазифаларини сидқидилдан бажариб келаётган, меҳнат жамоасида обрў-эътиборга эга бўлган, ишлаб чиқариш ва молиявий-хўжалик фаолиятига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган ходимлар раҳбарият томонидан фахрий ёрлик, ташаккурнома, шунингдек, қимматбаҳо совғалар билан тақдирлаб келинмоқда.



Таъкидлаш жоизки, корхонада эришилаётган ютуқларда ҳар бир ходимдан тортиб, масъул лавозим эгасининг, мутахассисларнинг катта масъулияти, меҳнати ётади. Зеро, бугунги ишлаб чиқариш жараёни ўн йил олдинги шароитлардан кескин фарқ қилади. Модернизация тадбирлари натижасида ишлаб чиқаришга янгидан-янги замонавий технологиялар жорий этилмоқда. Бу эса ишчи-ходимлар малакасини мунтазам ошириб боришни заруратга айлантирмоқда.

Буни яхши англаган жамоа мутахассислари, ишчи-ходимлар ўз билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Шижоатли меҳнатлари билан юртимиз равнақига, эл фаровонлигига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Гулрух ОДАШБОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Марказий Осиёда қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи йирик корхоналардан бири ҳисобланган «Qizilqumsement» акциядорлик жамияти 1977 йилда ишга туширилган бўлиб, бугунги кунда мавжуд учта технологик тармоқларнинг тўлиқ қувват билан ишлаши таъминланмоқда. Натижада 2020 йилнинг якуни бўйича 3 миллион 615 минг тонна цемент ишлаб чиқарилди. Бу республикамызда ишлаб чиқарилаётган цементнинг 29,1 фоизини ташкил этади.



O'ZBEKISTON OVOZI

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV

Ulug'bek VAFOYEV

Mahmud TOIR

Qalandar ABDURAHMONOV

Guliston ANNAQILICHEVA

Muslihidin MUHIDDINOV

Hayotxon ORTIQBOYEVA

Toshtemir XUDOYQULOV

Qabulxona — (71) 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — (71) 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — (71) 233-47-80

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 541. 3060 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 19:30.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Nurullo OSTONOV

Sahifalovchi-dasturchi:

Bekzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

772010 763008

Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун
QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг

1 2 3 4 5 6